ДАЛАДА БИР ГРАММ ҲАМ ПАХТА ҚОЛМАСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 237 (984)

30 НОЯБРЬ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Тилла Иноғомов бошлиқ бригада аъзолари 98 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар. Бригада аъзолари шу кунларда далада қолган барча ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб олиш ва пландан ташқари гектаридан 4 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. **Суратда:** УПХ-1,5 кўсак чувиш машинаси билан бригада хирмонида кўсак чувилмоқда.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Чорва қишловини намунали ўтказайлик

Партия Марказий Комитетининг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш юзасидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги чақириғи ҳар бир чорвадорни янада унумлироқ меҳнат қилишга, бу улуғвор вазифани шараф билан бажариш учун барча ички имкониятларни, битмас-туганмас ресурсларни ишга солишга даъват қилади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш — ҳар бир қишлоқ хўжалик ходиминнинг жанговар вазифасидир.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик мажбуриятларида Тошкент области бўйича гўшт етиштиришни икки баравар, сут етиштиришни 2,7 баравар ва жун етиштиришни 1,6 баравар кўпайтириш кўзда тутилади. Олинган мажбурият катта. Лекин областимиз чорвадорлари чорвачилик маҳсулотларини шу хилда кўпайтириш учун барча имкониятларга эгадирлар. Молларни қишда айниқса яхши боқиб, уларнинг семиз ва соғлом бўлишига эришиш, қишки парвариш ишларини зоотехника қоидалари асосида яхши уюштириб, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишни таъминлаш — бу мажбуриятни муваффақиятли бажаришнинг энг зарур шартидир.

Ҳар йили ҳам қиш учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаётган, чорвачилик биноларининг иссиқ бўлишига эришаётган, қишда ҳам молларни ширали ем-хашак — силос ва шунга ўхшаш бошқа озуқалар билан сифатли боқаётган колхозлар маҳсулот олишни йилнинг ҳамма даврида бирхилда оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Ийрик сабзавотчилик колхози — Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз, ийрик пахтакор колхоз — Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз чорвадорлари хўжаликнинг бу муҳим тармоғини ҳам тинмай юксалтирмоқдалар ва коллектив хўжаликнинг экономикасини тобора мустаҳкамламоқдалар. Чорвачилик соҳасида яхши натижаларга эришаётган бу хилдаги хўжаликлар областимизда кўп.

Шуни ҳам айтиш керакки, областимиздаги бир қатор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорва моллари сонини кўпайтириш, улардан олинадиган маҳсулотни ошириш тўғрисида чинакамига гамхўрлик қилмаётирлар. Натижада чорва моллари сони жуда секин кўпаймоқда, олинаётган маҳсулот илғор хўжаликлардагига нисбатан жуда кам бўлмоқда. Ҳудди шундай районлардаги колхоз ва совхозларда ўтган йиллардагидек чорва қишловига бу йил ҳам пухта тайёргарлик кўрилмади. Чорвачилик бинолари ўз вақтида қуриб битказилмади ёки ремонт қилинмади, ем-хашак тайёрлаш, силос бостириш топшириқлари қониқарсиз бажарилди.

Область колхозларида ем-хашак тайёрлаш планининг 82,1 процент, совхозларда эса 67,9 процент бажариганлиги ҳозирги қийин шароитда хилма-хил ноқулайликларни вужудга келтирмоқда. Ем-хашак тайёрлаш ва силос бостириш, шу билан бирга чорвачилик бинолари қуриш ва ремонт қилиш топшириқларини тўла бажармаган Пискент, Мирзачўл, Паркент, Бўстонлиқ районларидаги колхозлар ва совхозлар, «Дружба», «Бўзсув», 7-«Кўкорол» совхозларида шу кунларда чорва моллари жуда ёмон аҳволга тушиб қолган.

Ўртасарой, Ўрта Чирчиқ, Боёвут районларида қўшимча ем-хашак тайёрлаш базасига эга бўлинган ҳолда бу имкониятдан фойдаланилмаётир. Шу районлардаги колхозларда шолидан чиққан похол ғарамлаб қўйилмаган, далаларда сочилиб ётибди. Мазкур районларнинг партия ва совет ташкилотлари ем-хашакни кўплаб жамғариш, уни чорвачилик бинолари яқинига ташиб келтириб қўйиш тўғрисида шу кунларда шошилинч чора кўрмасалар аҳвол бундан ҳам оғирлашиб кетиши мумкин.

Областимиз колхоз ва совхозларининг моллари боқилаётган Келес массиви ва Самарқанд областининг яйловларидаги чорва молларига ўз вақтида етарли миқдорда ем-хашак етказиб берилмаган. Планлаштирилган 12,4 минг тонна ўрнига бор-йўғи 7,2 минг тонна ем-хашак ташиб олинган. Шу яйловларда моллари боқилаётган Октябрь, Чиноз, Янгийўл, Сирдарё районларининг раҳбарлари, колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари бу йил қишнинг қаттиқ келишини илгаридан яхши билганлари ҳолда шу шароитга мослаб иш олиб бормаганлар, узоқ яйловлардаги чорва молларини етарли миқдорда ем-хашак билан таъминлашга эътиборсиз қараганлар.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳар бир колхоз ва совхозда чорва қишловининг нормал ўтказилишини таъминлаш учун барча тадбирларни кўришлари, юз берган камчиликларни тезда тугатиш учун чорвачиликка амалий раҳбарлик қилишлари керак. Ҳали битказилмаган, ремонт қилинмаган чорвачилик бинолари кўп. Яқин кунлар ичида бу ишларни тугатиш, молларнинг иссиқда сақланишини, уларга етарли миқдорда ем-хашак етказиб берилишини таъминлаш — ҳозирги кунлардаги энг муҳим вазифалардандир.

Ем-хашак камлиги туфайли бирмунча ориқлаб қолган молларни группаларга ажратиб, уларнинг махсус жойларда яхшилаб боқилишига эришиш зарур. Агар узоқ яйловларда шундай моллар кўп бўлса, уларни қишлоқ яқинидаги жойларга ҳайдаб келтириш, шу йўл билан ҳар бир сигир ва қўйни, йилқини қишдан семиз ҳолда чиқаришга эришмоқ керак.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан бошланган социалистик мусобақани янада кучайтириш, ҳар бир кишининг ўз олдига қўйган вазифани ҳамма вақт ошириб бажаришини таъминлаш учун чорвадорларга қулай иш шароити яратиб бериш керак. Узоқ яйловлардаги чорвадорларни иссиқ кийимлар, етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш, уларга маданий-маиший хизматни ҳартомонлама кучайтириш зарур.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик мажбуриятларида кўрсатилган шартларни тўла бажармоқ учун ҳар бир колхоз ва совхозда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан берилган топшириқларни сўзсиз бажарайлик. Чорва молларимиз қишдан семиз ва соғлом чиқсин, улардан кўп бола олишни таъминлайлик. Бунинг учун иссиқ бинолар ва етарли миқдорда ем-хашак бўлишига эришайлик!

Ўтган йилларда Фрунзе номли колхоз Юқори Чирчиқ районидаги камҳосилли колхозлардан ҳисобланар эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхозни илғор хўжаликларга етказиб олиш, бунинг учун даставвал пахта ҳосилини ошириш кераклигини ҳар бир кишига уқтирди ва уларни мўл ҳосил учун курашга отлантирди. Шунинг учун колхоз пахта йиғим-теримида бу йил илғорлар қаторига кетаётир. Пахтакорлар йиллик планни СССР Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилдилар. Шу кунларда колхоз даласида сўнгги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш учун курашга қизитилган. Ўнлаб қизлар ва йигитлар ҳар қандай шароитда ҳам етиштирилган ҳосилни териб олишга отланганлар. Шарипа Ғаниева кўсак теришда олдингилар қаторида кетаётир. У кунига 150-160 килограммдан кўсак термоқда. **Суратда:** Шарипа **Ғаниева** тушгача терган кўсагини тарозига олиб келган пайти.

М. Шевелев фотоси.

Мирзачўлга, пахтакорларга ёрдамга

Эрталаб ҳали соат тўққиз ҳам бўлгани йўқ. Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикасининг ҳовлисида одатдагидан ташқари жонланиш ҳукм сурар эди. Йигит ва қизларнинг юзи хандон. Улар бирбирлари билан дам ҳазил-ҳузил қилишар, қаҳ-қаҳ уриб кулишар, дам тўп-тўп бўлиб ўзаро суҳбатлашардилар. Уларнинг кийим-боши, одеялларга ўралиб, багажниклар билан боғланган кўрпа-ёстиги поездга отланаётган жанговар бригадани эслатади.

— Ҳали мен сизга гапириб берган йигит — ўртоқ Юрий Вяткин мана шу киши бўлади, — деди фабрика комсомол комитетининг секретари ўртоқ Биценко, — кўринишидан ниҳоятда эпчил, ғайратли эканлиги сезилиб турган ёш ишчи билан бизни таништирар экан.

Юрий Вяткин фақат эпчил ва ғайратли кишигина бўлиб қолмай, у ҳақиқий ватанпарвар ҳам. Биз бунга фабрика комсомол комитетига у ёзган ариза билан танишганимизда қаноат ҳосил қилдик. Мана унда нима дейилган: «Фабрика комсомол комитетидан область комсомол комитетининг Мурожаатига жавобан мени пахтакорларга ҳосилни йиғиб-териб олишда ёрдам бериш учун юборишни сўрайман. Бошқа комсомол ра ёшлар сингари мен ҳам республикада пахта тайёрлаш планининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишни истайман, Шу билан бир қаторда фабрикамизнинг комсомол-ёшларини пахта теришга боришга чақираман».

Ўртоқ Вяткиннинг ташаббуси фабрика комсомол комитетида, шунингдек ёш ишчилар ўртасида қўллаб-қувватланди. Тез орада унинг ғаторига комсомоллардан Аҳроров, Майорова ва бошқа кўпгина ўртоқлар қўшилдилар. Ана шу ватанпарвар ёшлардан дастлаб 25 кишилик бригада ташкил қилинди ва унга фабрика комсомол комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ Фомин раҳбар қилиб тайинланди.

Фабрика коллективи фақат ўз билан қаноатланмади. Ишчи ва хизматчилардан яна 125 киши пахтакорларга ёрдам бериш учун колхозларга боришга истак билдирди. Уларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Бу ватанпарварларнинг биринчи группаси яқинда Мирзачўл районига жўнаб кетди.

Фабрика маъмурияти ҳосил йиғим-теримига жўнаб кетувчиларни янги этик ва бошқа кийим-бош билан таъминлади.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 29 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
БЎСТОНЛИҚ	0,06	107,56
Оржоникидзе	0,24	98,18
Ўрта Чирчиқ	0,19	89,68
Юқори Чирчиқ	0,27	89,14
Пискент	0,32	88,00
Ўртасарой	0,16	84,67
Сирдарё	0,29	83,37
Янгийўл	0,23	82,71
Бекобод	0,36	82,58
Гулистон	0,40	80,76
Верхне-волинск	0,37	80,65
Мирзачўл	0,41	79,91
Бўка	0,23	77,62
Оҳангарон	0,27	77,45
Октябрь	0,22	76,14
Калинин	0,58	74,52
Оққўрғон	0,26	74,41
Чиноз	0,36	72,67
Боёвут	0,11	65,07
Куйи Чирчиқ	0,55	61,24

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 29 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
6-«КЎКОРОЛ»	0,36	112,35
3-«Оҳангарон»	0,34	88,67
Киров номли	0,30	87,20
1-«Далварзин»	0,30	84,63
«Пискент»	0,30	83,91
4-«Вревский»	0,21	81,25
2-«Оҳангарон»	0,40	80,60
2-«Далварзин»	0,37	78,89
«Малик»	0,26	75,58
«Оққўрғон»	0,32	74,57
«Чаноқ»	0,37	72,05
«Социализм»	0,32	69,54
«Гулистон»	0,30	64,49
1-«Боёвут»	0,09	62,33
3-«Боёвут»	0,09	62,33
1-«Оҳангарон»	—	61,00
«ЎзССР беш йиллиги»	0,55	60,78
«Дружба»	—	59,90
«Мирзачўл»	0,14	59,71
1-«Фарҳод»	0,12	53,67
Булганин номли	0,07	51,76
Бушуев номли	0,12	41,37

Яна жонажон пахта даласида

1500 ТЎҚУВЧИ ПАХТА ТЕРИМИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1500 кишидан ортиқ ишчиси Гулистон районининг оталиқдаги колхозларига пахта ҳосилини йиғиштириб олишда ёрдам бериш учун жўнаб кетди. Биринчи пахта йиғим-терими кампаниясида тўқимачилар коллективидан беш мингта яқин киши қатнашган эди. Улар Гулистон районидаги «Москва», Тимирязев номли, Фрунзе номли, «Красний заря», «Красний Восток», Ленин номли ҳамда Андреев номли колхозларда бўлиб, 10 минг тоннадан ортиқ пахта териб бердилар.

Пахта теримида комбинат ишчиларидан: газмолга гул босиш фабрикасининг браковщик шогирди Д. Аҳмедова, учинчи йигирув фабрикасининг мастер ёрдамчиси Ю. Зайцев, шу фабриканинг ОТК контролёрлари Т. Карпенко ва А. Усмонова ўртоқлар, иккинчи тўқув фабрикасининг ишчиларидан Л. Миронова, В. Сковородников ўртоқлар 1,5-2 тоннадан пахта теришиб, умумхалқ ҳаракатига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Иккинчи фабриканинг браковщиги Мария Владимировна Лобирева эса икки ой ичида 2700 килограмм пахта терди. Шу фабриканинг созловчиси Х. Шияпов раҳбарлигидаги бригада эса икки ойда 57 тонна пахта терди.

Тўқучилар коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ҳосилни териб олишни тугаллаш ва пахта тайёрлаш планини бажариш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан астойдил ишлашга сўз бердилар. Улар ўз ваъдаларини албатта бажарадилар.

Р. ИБРОҲИМОВ.

Тикувчи комсомол-ёшлар яна далага отландилар

Фабрика ҳовлисида юздан ортиқроқ комсомол-ёшлар тўпланишган. Азамат тикувчилар яна далага отландилар. Улар қор остида қолган «оқ олтин» ҳосилининг сўнгги граммигача йиғиб-териб олиш ва уни она-Ватанга топшириш учун фидокорона меҳнат қилаётган колхозчи дўстларига ёрдамга кетаётирлар. Шу ерда тўпланганларнинг кўпчилиги октябрь ойи ичида Верхне-волинск ва Сирдарё районларига бориб, пахта теришда қатнашган эдилар. Корхонанинг 650 кишидан иборат меҳнатсевар тикувчилари «Социализм» совхози ҳамда Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз далаларига чиқиб қариб 110 тонна «оқ олтин» териб берган эдилар.

Мана, бугун тикувчи-теримчилар қадрдон дўстлари — колхозчи-деҳқонларга кўмаклашиш учун жўнаб кетаётирлар. Булар орасида 9-тикув цехининг моҳир ишчилари комсомол аъзоси Фарида Хўжаева, Дилором Онорбоева, ёш коммунист Рустам Азимов каби шу мавсумда 2,5-3 тоннадан пахта териб колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг ҳурматига сазовор бўлган ватанпарварлар оз эмас...

...«Қизил тонг» фабрикасининг комсомол-ёшлари Ўзбекистон ЛКСМ область комитетининг ёшларга қарата чиқарган Мурожаатини қўллаб-қувватладилар. Фабрика маъмурияти, партия ва комсомол ташкилоти теримга бориш истагини билдирганларга барча шарт-шароитни яратиб бердилар. Теримга жўнаб кетаётганлар фабриканинг ўзида тайёрланган фуфайка, қўлқоп, бриджа ҳамда этик билан таъмин этилди.

— Об-ҳаво ноқулай келиб деҳқон дўстларимиз хийли ташвишланиб қолдилар. Лекин улар тер тўкиб етиштирган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмаслик учун курашаётирлар, — дейди фабрика директори Неъматов. — Областимиз ҳар куни 3500 тоннадан пахта териб топширса тезда қолоқликдан чиқади. Биз бу топширикнинг тўла ва ортиғи билан бажарилишига бутун кучимиз билан кўмаклашамиз.

А. АБДУАЗИМОВ.

КОММУНИСТ БОШЛИҚ БРИГАДАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Бўстонлиқ районидаги «Қизил тув» колхозининг коммунист ўртоқ Бодамбой Тўхтагопов бошлиқ бригада аъзолари 55 гектар ернинг ҳар гектаридан шу кунга қадар 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, мажбуриятни ортиғи билан бажардилар.

Меҳнатсевар колхозчилар йиғим теримда узоқчилик билан ишладилар ва колхозда биринчи бўлиб давлат пахта тайёрлаш планини бажардилар. Бригадада план бажарилганидан сўнг ҳам иш бўшаштирилмай жадал давом эттирилмоқда. Натижада шу бригаданинг Ўрмонов, Мамбетов ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ҳар гектар ердан 34-35 центнердан ҳосил топширдилар.

Бригада аъзолари СССР Олий Советининг барча совет халқига қилган Мурожаатини муҳокама қилиб ва ўзларининг имкониятларини ҳисобга олиб яна давлатга ҳар гектар ердан 2-3 центнердан ҳосил бериш учун аҳд қилдилар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

Мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарамиз

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, йилдан-йилга мўл ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилаётган колхозимиз аъзолари бу йил 1330 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилиб, зўр ғайрат билан ишладилар, юз берган табиий қийинчиликларни енгиб, мажбуриятимизни тўла қоплай оладиган даражада ҳосил етиштирдик.

Колхозимизнинг илғор бригадалари ҳозиргача планда белгиланганидан ошириб пахта топширишди, катта ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, ўртоқ Муфти Муродов бошлиқ бригада аъзолари 74 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 ўрнига 26 центнердан пахта топширдилар. Шунингдек, ўртоқ Қўчқор Маҳкамов бошлиқ бригада аъзолари ҳам ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Ёғингарчилик кунлари бошланмасдан олдин ҳар куни йиллик планнинг икки процентга миқдорида пахта топшириб келаётган эдик. Бу ишда шаҳарлик биродорларимиз, фармацевтика институтининг студентлари, электротехника заводи ишчи-хизматчилари жуда катта ёрдам бердилар. Биз улардан ғоят миннатдормиз. Эндиликда эса ёрдамчилар ўз меҳнат постларига, мактаб ва институтларига қайтиб кетганлар. Бунинг устига об-ҳаво ноқулай бўлиб қолди. Далаларимиздаги кўпгина ҳосил қор остида қолди. Шароит жуда мураккаблашиб кетди. Лекин фидокорона меҳнат туфайли етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлиб кетишига сира йўл қўймаймиз. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қолган ҳосилни йиғиб олиш ҳар бир пахтакорнинг асосий бурчидир.

Ҳозирги пайтда иккиланишга, саросимага тушиб қўл қовуштириб туришга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, биз пахтакорлар бундай аҳволга биринчи марта дуч келганимиз йўқ. Пахта ҳосилининг ярмини ҳам йиғиштириб олишга улгурмасдан ёғингарчилик кунлари бошланиб, қор ёғиб қолгани, шунга қарамасдан далада қолган ҳосилни йиғиб олиб, планимизни бажарган пайтларимиз ҳам бўлган. Буни колхозчиларимизнинг, ўзлари жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам ҳозир бизнинг колхозчиларимиз зўр ишқоқлик билан далага чиқиб кўсак термоқдалар. Табиий қийинчиликларни бардош билан енгмоқдалар.

Шу кунларда далада илгариги сингари бригадаларга бўлиниб ишлашдан кўра, бир неча бригадани бир жойга тўплаб ишни ташкил қилиш ва бир йўла далани бир бошдан тозалаб кетиш ҳар жиҳатдан фойдали эканлиги амалда кўрилмоқда.

Биз даладаги ҳосилни тўла йиғиб олиш билан бирга ғўзапояни машина билан юлишга ва ерни шудгорлашга тайёрлаб кетаяпмиз. Масалан, Болобек Қорабоев, Абдиназир Умурзақов, Зиннат Нарзиев, Мухти Муротов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг 200 гектарга яқин ерида ҳосил батамом йиғиб олинди, ғўзапоя юлишга тайёрлаб қўйилди.

Шу кунларда бизнинг олдимизда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган ерларни ҳам шудгор қилиш, экин майдонларини яна кенгайтириш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, чорва қишловини намунали ўтказиш сингари бир қатор муҳим вазифалар турипти. Ватанпарвар колхозчиларимиз бу вазифаларни бажариш учун астойдил ишламоқдалар. Ҳозиргача колхозимизда бошқа экинлардан бўшаган ва қўриқ ерлардан 200 гектардан кўпроқ дала шудгор қилиб қўйилди.

Колхозимиз чорвадорлари бу йил бирмунча муваффақиятларни қўлга киритдилар. Гўшт, сут топшириш давлат планлари муваффақиятли бажарилди. Чорва қишловига пухта тайёргарлик кўриб, мўл-кўл ем-хашак жамғариб қўйдик.

Колхозимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турлари бўйича ҳам план ошириб адо этилди. Энди колхозчиларимиз пахта тайёрлаш планини бажарибгина қолмай давлатга яна 400 тонна пахта етказиб бериш тўғрисидаги қўшимча мажбуриятларни ҳам шараф билан бажариш учун қормай-толмай ишламоқдалар.

Я. ПИСКОРСКИЙ,

Верхне-волинск районидаги «Қизил октябрь» колхозининг раиси.

ТЕЛЕГРАММА

Америка Қўшма Штатлари президенти Дуайт Д. ЭЙЗЕНХАУЭР жаноб олийларига

ВАШИНГТОН, ОҚ УЙ

Ҳурматли президент жаноблари,
бетоблигингизни эшитиб жуда хафа бўлдим. Тезроқ соғайишингизни тилаб Сизга ўзимнинг самимий истакларимни йўллайман.

Н. ХРУШЧЕВ

Москва, 1957 йил 27 ноябрь.

ТЕЛЕГРАММА

Америка Қўшма Штатлари президенти Дуайт Д. ЭЙЗЕНХАУЭР жаноб олийларига

ВАШИНГТОН, ОҚ УЙ

Ҳурматли президент жаноблари,
бетоблигингизни эшитиб ғоят ачиндим. Тезроқ соғайишингизни чин кўнгилдан тилайман.

К. ВОРОШИЛОВ

Москва, 1957 йил 27 ноябрь.

ТЕЛЕГРАММА

Америка Қўшма Штатлари президенти Дуайт Д. ЭЙЗЕНХАУЭР жаноб олийларига

ВАШИНГТОН, ОҚ УЙ

Ҳурматли президент жаноблари,
бетоблигингизни эшитиб қайғирдим.
Тезроқ соғайишингизни астойдил тилайман.

Н. БУЛГАНИН

Москва, 1957 йил 27 ноябрь.

БУ КУННИНГ ҲАЙҚИРИҒИ

Беҳисоб оқ капалак
Тўзғиди гўё,
Садаларнинг бошида
Дока рўмоли.
Оққа солинган каби
Табиат, дунё.
Хас-хуслн уясида
Қишлар чумоли.
Езнинг кўк ранги ўчди,
Чангимайди йўл,
Аммо шошсак-шошгудек,
Юмишимиз зиқ.
Қирчиллаб қиш кирдию
Совуқ еди қўл,
Аммо саратон янглиг
Қалбимиз иссиқ.
Меҳри-гиёмиз билан
Унган пахтамиз
Қор тагида ётаркан,
Виждок кўтармас.
Бутун эл пойга қўйган
Жадал вақтда биз
Бош қашлаб туролмаймиз
Бир палла, бир пас.
Ғўза тупига қараб,
Тўймас кўзимиз,
Тухумдай кўракларни
Ситсак — ип чиқар.
Бу — бизнинг ботмон галла,
Ризқи-рўзимиз;
Келган давлатдан, ахир,
Ким юз ўгирар?
Уни биз уйимизга
Ортмоқлаб кирсак,
Омонат дафтарчага
Сўм бўлиб тушар.
Қиш нима? Нафас билан
Қорни эритсак,
Ғўзалар танасидан
Сув бўлиб тушар.
Ирмоқлар йиғилгани
Дарё тўлгани,
Емгир томчилагани
Кўл деганидир.
Граммлар тўплангани
Тонна бўлгани,
Хирмондаги ҳиссамиз
Мўл деганидир.
Кифти ерга тегмаган
Пахтакор ўртоқ,
«Ҳай-ҳай»лашиб узайлик
Кўсагимизни.
Иш билан қувонтириб
Ватанни тезроқ,
Кўрсатайлик чиройлик
Юрагимизни!

Султон АКБАРИЙ.

Социализм лагери тобора мустаҳкамланмоқда

☆

Ишчилар бирдамлиги

Кишилик тарихида бирорта ҳам партия жаҳон майдонида Коммунистик партия сингари мустаҳкам ғояга, жанговар традицияларга ва ниҳоят, бунчалик катта обрўга эга бўлмаган эди. Жаҳондаги турли мамлакатларда иш олиб бораётган коммунистик ва ишчи партиялари ўз халқларини тинчлик йўлидан, социализм йўлидан олиб боришда фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Мен бундан бир неча йил илгари халқ Хитойида, Венгрия ва Чехословакияда бўлдим ҳамда бу мамлакатлар халқларининг социализм қуриш учун қизғин курашаётганликларини кўрдим.

Хитой Халқ Республикасининг Шиньян шаҳридаги электрокабель заводи Совет Иттифоқи ёрдами туфайли атиги 3 йил мобайнида тикланди. Мен ҳам инженер сифатида ана шу қурилишда қатнашганлигим ҳамда ўз ҳиссамни қўшганлигим билан бахтиёрман. Шиньянлик кабелчилар биз билан доимо алоқа боғлаб келаётирлар. Уларнинг ишчи ва инженер-техник ходимларидан бир группаси бизнинг корхонамизга келишди ва анча вақт туриб, тажриба алмашдилар. Биз бундан кейин ҳам ана шу дўстликни, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаймиз.

Коллективимиз социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москва Кенгашида қабул қилинган Декларацияни ҳамда Тинчлик манифестини қизғин қувватлайди.

А. МАНАРОВ,
«Ташкенткабель» заводининг бош инженери.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг буюк бирлиги

Тошкентдаги эгар-жабдуқ-галантерия фабрикасининг ишчи ва хизматчилари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москва Кенгашида қабул қилинган Декларациясини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Танаффус вақтларида ва ишдан сўнг ишчилар ҳамда инженер-техник ходимлар бу муҳим сиёсий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжатни коллектив бўлиб ўқимоқдалар ва қизғин муҳокама қилмоқдалар. Фабриканинг барча ходимлари Декларацияни якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Илғор галантериячи Т. Прохожева суҳбатда бундай деди:

— Социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялари марксизм-ленинизмнинг голиб байроғини сабот-матонат билан баланд кўтараётганликлари учун ҳам миллион-миллион оддий меҳнаткашлар бу партиялар кетидан бормоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси эса халқаро коммунистик ҳаракатнинг энг олдинги safida бораяпти. Шунинг учун ҳам биз бу билан фахрланамиз.

Фабрика коллективи янги сиёсий ҳужжатдан руҳланиб, меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётир.

М. АҲМЕДОВ.

☆ ☆ ☆

Бутун инсониятнинг бахт-саодатини кўзлаб

Ўзбекистон пойтахтидаги илғор корхоналарнинг бири бўлган Тошкент транспорт машинасозлиги заводининг коллективи шу кунларда эўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ишчилар техникани тараққий эттириш учун, тинч меҳнат соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун кураш олиб бормоқда. 11 ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Йил бошидан бўён пландан ташқари икки миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Завод ишчилари ва хизматчилари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларациясини, Тинчлик манифестини қизғин маъқулладилар. Барча цехларда ана шу тарихий ҳужжатлар коллектив суратда ўқилмоқда.

Ремонт-механика цехида участка мастери агитатор Б. Кубишкин суҳбат ўтказгандан кейин, электросварщчик Раҳматжон Каримов бундай деди:

— Биз, коммунистлар тинчлик йўлида изчиллик билан кураш олиб бормоқдамиз, биз яхши ниятдаги барча кишиларга ўз қўлимизни чўзамиз. Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари томонидан қабул қилинган тарихий ҳужжатларда урушнинг олдини олиш мумкин эканлиги, халқлар тинчликни сақлаб мустаҳкамлай олажаклари ва шундай қилиш керак эканлиги жуда равшан исбот этилган. Тинчликни қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси агрессия кучларига қарши бирлашишлари керак. Декларация ва Тинчлик манифести биз, совет ишчиларини янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради. Мен октябролди мусобақаси кунларида белгиланган топшириқларни қарийб икки баравар ошириб бажардим. Маҳсулот ишлаб чиқаришни яна 50 процент кўпайтираман деб ваъда бераман.

Шу цехнинг строгальщчиги, Ватан уруши қатнашчиси А. Коренев ҳам завод коллективининг ўрни ва тилакларини изҳор қилиб бундай деди:

— Биз, собиқ фронтчилар иккинчи жаҳон урушининг даҳшатларини эсимиздан чиқарганимиз йўқ. Бу уруш халқларни зўр машаққат ва кулфатларга дучор қилди. Матбуотда эълон қилинган Декларация ва Манифест соф виждонли барча кишиларни уруш даҳшатларининг бундан буён такрорланмаслиги учун қўлдан келган бутун чорани кўришга даъват этади. Ана шу тарихий ҳужжатлар социалистик мамлакатлар тинчлик йўлидаги курашда маҳкам жипслашганлигини ва уруш олови ёқувчи империалистларнинг ҳар қандай таҳдидлари уларни чўчита олмаслигини кўрсатади. Икки система ўртасидаги иқтисодий мусобақада социализм олдинда бормоқда.

Машинасозлар Декларация ва Тинчлик манифестини якдиллик билан маъқуллаб, меҳнат соҳасида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишга ва бу билан тинчлик ишини янада кўпроқ мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликларини билдирадилар. (ЎзТАГ).

Тинчлик керак

Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши келтирган кулфатлар эрксевар халқларнинг хотиридан ҳали кўтарилгани йўқ. Уруш оловини ёқмоқчи бўлаётган бир ҳовуч капиталистларга дунё халқлари нафрат кўзи билан қарайдилар.

Коммунистик ва ишчи партияларининг Декларацияси ва Тинчлик манифести дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қиладиган буюк тарихий ҳужжатлардир. Чунки тинчлик бахтиёр ҳаётнинг манбаидир.

Декларация ва Тинчлик манифести халқлар қалбида чуқур мамнуният туйғуларини туғдирмоқда. Эндиликда бутун илғор инсоният ва социализмнинг дўстлари социализм ижтимоий тузум сифатида капитализмдан устун эканлигини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқдалар. Совет давлатининг дунёда биринчи бўлиб атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиши, қитъалараро баллистик ракетанинг учирилиши ва ниҳоят совет олимлари томонидан яратилган Ер сунъий йўлдошларининг космосга кириб бориши жаҳонда тинчлик ва социализмнинг мустаҳкам таянчи бўлган социалистик Ватанимиз чексиз кучқудратга тўлганлигидан, унинг экономикаси, маданияти, фан, техникаси ва мудофаа салоҳияти ниҳоятда юксалганидан дарак бермоқда.

Ҳозир фан ва техника юксак даражада ривожланганлигига қарамай, ҳали фан соҳасида ечилмаган ва ечилиши жуда зарур бўлган проблемалар кўп. Жуда катта энергия манбаига эга бўлган термоядро реакциясидан ажрададиган энергияни тинчлик мақсадларида қўллаш проблемаси фан ва техника ҳал қилиб бериши керак бўлган ана шундай энг муҳим проблемалардан биридир. Шу каби бир қанча проблемаларни ҳал қилиш учун биринчи навбатда жаҳонга тинчлик керак.

Ғ. УМАРОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

Новаторлар корхонанинг олтин фонди

Ҳар бир корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришнинг ҳамда кўплаб давлат маблағларини тежаб қолишнинг бирдан-бир қулай йўли рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдир.

Тошкент электролампа заводида мана шу масалага катта эътибор берилади. Бу ерда рационализатор ва ихтирочилар активи сони 200 кишидан ортади. Улар машина ва механизмларнинг иш унумини оширишга, технология процесларини такомиллаштиришга, меҳнат шароитини енгиллаштиришга қаратилган жуда кўп қимматли таклифлар киритмоқдалар. Бу янгиликларни амалга ошириш натижасида корхона йил бошидан берн уч миллион сўмга яқин фойда кўрди.

Завод конструктори Б. Говоров ва созловчи В. Морозик ўртоқлар радиоизоляторлари формалаш процессини механизациялаштириш йўлини топдилар ва буни амалга оширдилар. Натижада шу участкада ишлайдиган 20 ишчи бошқа ишга кўчирилди. Суратда: (чапдан) созловчи В. Морозик ва конструктор Б. Говоров ўзлари яратган изоляторларни механик усулда пресслайдиган прессформани текшириб кўрмоқдалар.

В. Нудлер фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Палаткалардан янги уй-жойларга

Янгиер шаҳар қурилиши кун сайин қизиб бораётир. Бу ерда ой сайин янги уй-жой, маданий-маиший муассасалар биноси қад кўтариб, янги кварталлар бунёдга келмоқда. Ёш шаҳарнинг новқирон қурувчилари биргина ўзлари учун эмас, бу янги шаҳарни қуриш учун келаётган азаматларга ҳам кўпқаватли ва бир қаватли уй-жойлар қураётирлар. Янги шаҳар қурувчилари биринчи куни келиб қўнган палатка ва вагон уйлардан янги уй-жойларга кўчиб чиқаётирлар. Яқиндагина 47 квартирали янги уй-жой биноси битказилиб, унга 47 хўжалик кўчиб кирди. Йил охиригача яна 150 хўжалик янги уйларга кўчиб киради.

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

Пухта тайёргарлик билан

Пискент район партия комитети, колхоз, совхоз, МТС ҳамда муассаса бошланғич партия ташкилотлари партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олмоқдалар. Асосий эътибор барча коммунистлар ва партиясиз активларни ўқишнинг турли формаларига ихтиёрий равишда жалб этишга қаратилди.

Бунинг учун дастлаб тингловчилар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилди, уларнинг қай даража маълумот ва сиёсий тайёргарликка эга эканликларига алоҳида эътибор берилди. Бундай тадбирларнинг кўрилиши ўз сиёсий савияси ва иқтисодий билимларини оширишни истаган коммунистлар ва партиясиз ходимларни партия маорифи шохобчаларига тўлиқ равишда жалб этиш имкониятини берди.

Бу йил районда 30 та КПСС тарихини, сиёсий иқтисодни, жорий сиёсатни, саноат ва қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш тўғараклари ташкил этилиб, буларга 573 киши тортилди. Шунингдек район партия маорифи кабинети ҳузурида ташкил этилган конкрет экономикани ўрганиш тўгарагида район раҳбар ходимларидан 25 киши ўқийди.

Партия маорифи шохобчаларида машғулотларнинг юксак ғоявий-назарий савияда ўтиши дастлаб пропагандист кадрларнинг тажрибаси ва тайёргарлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам район партия комитети янги ўқув йилига тайёргарликни аввало пропагандистларни ўз вақтида танлаш, ёз даврида ўқитиш, уларнинг назарий савияси ва пропагандистлик маҳоратини оширишдан бошлади. 30 пропагандистнинг асосий кўпчилиги олий маълумотли, сиёсий тайёргарлик ва иқтисодий билимга эга бўлган район партия, совет, хўжалик ходимлари ҳамда ўқитувчилардан иборатдир. Пропагандистлар район партия комитети бюросида тасдиқландилар.

Район партия маорифи кабинети ҳузурида сиёсий иқтисод, жорий сиёсат ва конкрет экономикани ўрганиш семинарлари ташкил этилди ва пропагандистлар билан таъминланди. Бу йил райондаги коммунистлардан 66 кищи назарияни мустақил ўрганиш истагини билдирдилар. Шу муносабат билан КПСС тарихини ўрганувчиларга район партия маорифи кабинетининг мудири Х. Гайнуллин, қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганувчиларга район партия комитетининг секретари М. Магазов, саноат конкрет экономикасини ўрганувчиларга район молия бўлимининг мудири А. Горбунов ва КПСС тарихини ўрганувчиларга Ленин номли ўрта мактаб директори Л. Русанова ўртоқлар консультант қилиб белгиландилар.

Район партия маорифи кабинети янги ўқув йилида КПСС тарихини, қишлоқ хўжалиги ва саноат конкрет экономикасини мустақил ўрганувчилар учун алоҳида-алоҳида китоб полкалари ташкил этди. Партия маорифи кабинети 1958 йил учун 2600 сўмлик турли янги адабиётлар олди.

Райондаги Ворошилов номли, «Гулистон» колхозларининг ва Пискент пахта тозалаш заводи партия ташкилотлари янги ўқув йилига айниқса пухта тайёргарлик кўриб қўйдилар. Бу партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган турли тўгаракларга тингловчилар тўла жалб қилинган ва машғулотлар учун зарур адабиётлар ва кўргазмали ўқув қуроллари етарли миқдорда тайёрлаб қўйилган.

Район партия комитети ва колхоз, совхоз, МТС ҳамда муассасаларнинг бошланғич партия ташкилотлари янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш соҳасида эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, эндиликда асосий эътиборни партия маорифи шохобчаларида машғулотларни уюшқоқлик билан бошлаб юборишга қаратишлари керак.

Н. БЕКНАЗАРОВ.

Партия маорифи шохобчаларида ўқиш бошланди

Янгиер шаҳар партия ташкилотларида, партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига яхши тайёргарлик кўрилди. Шаҳардаги бошланғич партия ташкилотларида партия тарихини ўрганиш бўйича 44 та тўгарак ташкил қилинди.

Тўгаракларда биринчи машғулотлар ўтган пайшанба куни ўтказилиб, унда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Советининг юбилей сессиясида қилган докладини ўрганишга киришилди. Тўгаракларда ўтказилган биринчи машғулотларга 500 дан ортиқ комсомол ва ёшлар актив қатнашдилар.

Р. ИСҲОҚОВ.

Партия мактабида кўп тиражли газета

Тошкентдаги республикаларо партия мактабида «Партийный работник» («Партия ходими») номли кўп тиражли газета чиқа бошлади.

Газетанинг биринчи сони анча мазмунли бўлиб чиққан. Унда мактабнинг кекса ишчиси — 1917 йилда Петербургда бўлган жангларнинг иштирокчиси И. А. Понаморевнинг хотиралари, КПСС тарихи кафедрасининг мудири К. Е. Житовнинг «Тошкентда октябрь», мактаб директорининг ўқиш ва илмий ишлар бўйича ўринбосари М. Ғ. Ваҳобовнинг «Партия мактаби — партия кадрларини тайёрлаш ўчоғи» деган мақолалари босилган.

Газетада партия мактаби ишчи-хизматчиларнинг ва тингловчиларнинг пахта йиғим-теримидаги иштироки ҳақида ҳам анчагина материаллар босилган.

Т. МАМАЖОНОВ.

Сайловолди агитацияси кучайтирилмоқда

Бекободдаги Фарҳод гидроэлектростанцияси клубида жойлашган агитпунктда шу кунларда одам жуда гавжум. Кундузлари бу ерга жуда кўп уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчилар, қариялар, ишдан кейинги пайтларда эса ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ходимлар тўпланишади. Қизил алвонларга ёзилган шиорлар, Совет ҳокимияти барпо этилгандан буён ўтган 40 йил мобайнида мамлакатимиз халқ хўжалигининг қай даражада ривожланганлигини акс эттирувчи плакатлар, диаграммалар кишининг диққатини ўзига жалб этади. Столларга газета ва журналлар, сиёсий адабиётлар тартиб билан териб қўйилган.

Сайловчилар бу ерда маданий ҳордиқ чиқаришлари, ўзларини қизиқтирадиган саволларга жавоб олишлари учун тўла шароит яратилган. Улар газетанинг янги сонини ўқийдилар, радио орқали бериладиган сўнгги ахборотни, музика ва концертларни тинглайдилар; навбатчи агитатордан халқ судларига ўтказиладиган сайлов юзасидан керакли справка, консультациялар оладилар.

Клубда тез-тез лекция, суҳбатлар ўтказиб турилади. Яқинда сайловчилар учун «Югославия социализм қуриш йўлида», «Халқаро аҳвол ҳақида», «Совет ёшларининг қаҳрамонона меҳнат зафарлари ҳақида»ги ва бошқа темаларда лекциялар ўқилди. Айниқса «Совет суди — давлат манфаатлари ва гражданлар ҳуқуқининг ҳимоячиси» деган темада юрист ўртоқ Машчараков томонидан ўқилган лекция сайловчилар ўртасида катта қизиқиш ҳосил қилди.

ГЭС партия ташкилоти фақат агитпунктдагина эмас, балки энергетиклар шаҳарчаси аҳолиси ўртасида ҳам сайловлар муносабати билан оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга катта эътибор бераётир. Жойларда бу иш билан 80 агитатор шуғулланмоқда. Уларнинг кўпчилиги сиёсий агитация олиб боришда яхши тажриба орттирган инженер-техник ходимлардир. Станциянинг старший инженери В. Алферов, лаборатория старший инженери, Бекобод шаҳар Советининг депутати Ким И., электр цехининг инженери У. Камолиддинов, электротехник Н. Фатхуддинов ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида СССР Олий Советининг Совет Иттифоқи халқларига Мурожаати кенг тушунтирилаётир, уларнинг эътибори мамлакатимиз халқ хўжалигини юксалтиришнинг муҳим вазифаларини ҳал қилиш учун курашга қаратилаяпти.

Агитколлектив бир неча группага бўлинган бўлиб, уларга коммунистлар бошчилик қилмоқдалар. ГЭС партия бюросининг аъзоси А. Тохтарев, комсомол комитетининг секретари Ю. Исаев ўртоқлар ўз раҳбарликлари остида ишлаётган агитаторларнинг фаолиятини тўғри йўналтириб, бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар.

Б. ТАЙКЕНОВ,
Фарҳод ГЭС партия бюроси секретарининг ўринбосари, агитпункт мудири.

Партия ташкилотлари хўжалик планларини бажариш учун курашда

М. АЛИМОВ,
Узбекистан КП Олмалиқ шаҳар комитетининг секретари

Олмалиқ шаҳар меҳнаткашлари олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили программасини муддатидан олдин бажариш ва Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллигини ишлаб чиқаришда катта ғалабалар билан нишондаш юзасидан йил бошида ўз зиммаларига катта мажбурият олган эдилар. Шаҳардаги барча саноат корхоналарида ва қурилиш участкаларида социалистик мусобақани чипакамига қизиқтиб юбориш ва меҳнатни яхши ташкил этиш натижасида қувончли ютуқларга эришилаётир.

Йил бошидан бери саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича давлат планлари ой сайин бир меёрда ошириб бажарилиб келмоқда. Учинчи кварталда айниқса юқори кўрсаткичга эришилди—шаҳар бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 125 процентдан ошириб бажарилди. Бунинг натижасида область ижроия комитети, область партия комитети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғини учинчи марта олишга муваффақ бўлдик.

19 ноябрда биз ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1957 йил учун берилган давлат плани ва йил бошида олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердик.

Шу нарса қувончлики, бундан 6 йил муқаддам республикамиз картасида шаҳар сифатида номи-нишони бўлмаган Олмалиқ эндиликда йирик индустриал шаҳарга айланди ва у, область шаҳарлари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринда бормоқда. Бундай муваффақиятга эришишда йиллик планни муддатидан анча олдин бажарган Олтинтопган руҳ-қўрғошин комбинати, геолого-разведка партиясининг Олмалиқ группаси, ишлаб чиқариш корхоналари комбинати, Қўрғошинкон кони, гўшт комбинати, шаҳар саноат комбинати, шаҳар босмахонаси коллективлари катта ҳисса қўшдилар.

Конларда, цехларда ва қурилиш объектларида илғор иш методлари ҳамда прогрессив технология кенг қўлланилди, рационализаторлар сафи кенгайди ва уларнинг жуда кўп таклифлари амалга оширилди. Ишлаб чиқариш қувватларини оширишда, кўплаб маблағ тежаш ва маҳсулот сифатини яхшилашда новатор ва рационализаторларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Корхоналараро мусобақада Қўрғошинкон кончилари йил бошидан бери олдинги safda келмоқдалар. Улар йиллик топшириқни муддатидан қарийб 2 ой олдин бажардилар. Кон ишларини яхшилаш, карьер ва отвал хўжаликларини ривожлантириш, мавжуд техникадан рационал фойдаланиш орқасида қазиб олинган ҳар бир тонна руданинг таннархи анча камайди, кон устини очиш ишларига сарфланадитан харажат қисқарди. Шу йўл билан белгиланганидан ташқари 3 миллион сўмликка яқин давлат маблағи иқтисод қилинди.

Кон техника-иқтисодий кўрсаткичларининг тинмай юксалиб бораётганлигининг асосий сабаби бу ерда партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигидадир. Кон партия ташкилоти коллективининг ижодий активлиги ва ташаббускорлигини ошириш юзасидан кўпгина ибратли ишлар қилмоқда. Бу партия ташкилоти ҳисобидаги 44 коммунистдан 40 киши бевосита ишлаб чиқаришда ишламоқда. Участкаларда ташкил этилган партия группалари катта ташкилий ишлар қилмоқдалар. Ҳар бир коммунист меҳнатда шахсан ўрнак кўрсатиш билан бирга, ўз кетидан кўпларни эргаштирмоқда.

Олтинтопган руҳ-қўрғошин комбинати бойитиш фабрикасининг коллективи сўнгги вақтларда ўз ишида кескин бурилиш ясади. Бу корхонада ишлаб чиқариш технологияси жуда мураккаб бўлганлиги учун кўпинча технологик режим бузилар ва шунинг орқасида кўплаб иш вақти унумсиз ўтар, ремонт ва тиклаш ишларига кўплаб маблағлар сарфланарди. Фабрика партия ташкилоти бу камчиликни атрофлича чуқур ўрганиб чиққач, барча ишчи, мастер ва инженер-техникдар эътиборини технологик режимга қатъий риоя қилишга қаратди. рудадан металлни комплекс равишда ажратиб олиш технологиясини жорий этиш учун қатъий курашди. Корхонани қолоқликдан чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган бу тадбирларни амалга оширишга барча илғор ишчиларни, актив коммунистларни ва агитаторларни сафарбар этди. Бу ишлар самарали натижа берди. Эндиликда фабрика қолоқ корхонадан илғорлар сафига ўтиб олди. Ҳатто октябролди мусобақасида давлат планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажариб, комбинат кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотлари ишининг яхшиланганлигини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тажриба шуни тасдиқламоқдаки, қайси бошланғич партия ташкилоти ишлаб чиқариш масалалари билан кўр-кўрона эмас, балки кун сайин чуқур ва атрофлича шуғулланса, коммунистларнинг эътиборини илғор технологияни, прогрессив иш методларини кенг жорий этиш ҳамда меҳнатни намунали ташкил қилиш масалаларига қаратиб турса, шу ерда хўжалик соҳасида ҳам, оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш соҳасида ҳам қувончли натижаларга эришилади.

Шаҳримизда капитал қурилишни кенгайтириш учун давлат томонидан йил сайин кўплаб маблағ ажратилмоқда. Бу йил шаҳарда бир неча йирик саноат объектлари қурилди ва қурилаётир. Уй-жой қурилиши айниқса кенг қулоч ёзди. «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли қурилиш ва ёрдамчи-пудратчи ташкилотларнинг кўп кишилик бинокорлари ва монтажчилари бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп иш бажардилар. Бинокорликда индустриал методларни жорий этиш, қурилиш ва монтаж ишларини максимал даражада механизациялаштириш йўли билан қурилиш суръатини ошириш соҳасида катта ғалабалар қўлга киритилди.

Айниқса 1-қурилиш бошқармаси бу соҳада катта ташаббус кўрсатмоқда. Бошқарма коллективи биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. Ўтган йили бу бошқармада давлат плани бажарилмай қолган — меҳнаткашларга бир неча минг квадрат метр кам уй-жой қуриб берилган эди. Бошқарма маъмурияти ва партия ташкилоти бу йил ўз ишида кескин бурилиш ясаб, бинокорлар оммасининг унумли ишлаши учун қулай шарт-шароитлар туғдириб бергандиги натижасида йиллик план ва олинган мажбурият Октябрь байрамигача тўла-тўкис бажарилди. Йил бошидан бери бу коллектив кўп квартирали муҳташам уй-жой биноларидан иборат бўлган иккита янги квартал бунёдга келтирди.

Бу ва бошқа кўпгина қурилиш ташкилотларида комплекс қурилиш бригадаларининг ташкил этилиши ҳамда йиғма блок ва панелларнинг кенг қўлланилиши уй-жой қурилишини тезлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнаётир. Ҳозирги пайтда шаҳарда қурилаётган ҳар бир бинонинг 60 проценти йиғма блок ва деталлардан иборат бўлаётир, айрим объектларда эса бу рақам бундан ҳам ортиқдир.

«Алмаликсвинецстрой» трести раҳбарлари ва трест партия ташкилоти бинокорликда индустриал ва илғор иш методларини кенг жорий этиш масаласига сўнгги вақтларда эътиборни айниқса кучайтирдилар. Бу масала деярлик ҳамма бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишларида ишчанлик билан муҳокама қилинди. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар кўпгина қимматли таклифлар киритдилар. Партия ташкилотлари бу таклифларнинг амалга оширилишини систематик равишда контроль қилиб турмоқда. Мана шунинг учун ҳам трест бўйича меҳнат унумдорлиги 20 процент оширилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг мамлакатда уй-жой танқислигини яқин йиллар ичида тугатиш тўғрисидаги қарори асосида ишлаётган шаҳримиз бинокорлари қурилиш ишларини янада ривожлантириш учун барча резервларни ишга солмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари ва шаҳар партия комитети бу соҳада партиявий-ташкилий ишларни ҳамма чоралар билан яхшилаш йўлида сабот-матонат билан ишламоқда. Биз партия ташкилотлари иш стилида учраб турадиган юзакичиликка, ваъзхонликка қарши кескин курашмоқдамиз. Бошланғич партия ташкилотларини ишлаб чиқаришга ишчинг кўзини билиб раҳбарлик қилишга, масалага чуқур ёндошишга ўргатмоқдамиз. Бу соҳада 3-қурилиш бошқармаси бошланғич партия ташкилотининг иши намунали деса бўлади. Партия бюроси (секретари ўртоқ Рижик) ўз ишини жуда тўғри планлаштиради. Бюро ва партия мажлиси йиғилишларида энг актуал масалалар муҳокама қилинади. Йиғилишда муҳокама қилинадиган масала олдиндан пухта тайёрланади. Ҳар бир коммунист бу ишга жалб этилади. Партия бюроси маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини партиявий принципиаллик билан назорат қилиб боради, унинг ишига яқиндан ёрдам беради. Мана шунинг учун бу бошқармада оммавий-сиёсий ишлар ҳам, давлат ишлаб чиқариш планини бажариш ҳам яхши бормоқда. Бошқарма коллективи шу кунларда 1958 йил ҳисобига ишламоқда. Улар бинокорлар ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақада бир эмас бир неча марта биринчиликни олдилар.

Олмалиқ бинокорларининг унумли ишлашлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш корхоналари комбинати коллективининг ишига боғлиқ. Илғари бинокорлар бу комбинат раҳбарларини «бинокорлик материалларни хилини кўпайтиришга кам эътибор беради, маҳсулот ишлаб чиқариш графигини ўз вақтида бажаришни таъминламайди», деб кўп танқид қилишарди. Айниқса темирбетон конструкцияларни ишлаб чиқаришда кўп камчиликларга йўл қўйиларди. Комбинат партия бюроси ва бошланғич партия ташкилоти бу масалалар билан атрофлича шуғуллангач, камчиликларнинг сабабларини тўла ва тўғри аниқлади. Сўнг ҳар бир цех ва участкада кадрларни жой-жойига қўйиш, уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан бир канча ташкилий тадбирларни амалга оширди. Барча коммунист ва комсомолларни, айниқса ишлаб чиқариш командирларини «Корхонани қолоқликдан чиқариш—коллективимиз ҳар бир аъзосининг бурчидир!» деган шиор остида ишга отлантирди. Деворий газета, «Жанговар варақа» ва бошқа агитация воситалари ишга солинди. Натижада темир-бетон заводининг проект қуввати ўзлаштирилди, бошқа корхоналарда ҳам меҳнат унумдорлиги анча ошди ва иш сифати кескин яхшиланди. Комбинат бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди.

Шунингдек, шаҳардаги бошқа саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида ҳам иқтисодий кўрсаткичларни ошириш, партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни ювилантириш соҳасида бирмунча ютуқларга эришилди. Бироқ, шу билан бирга, хўжалик ва партиявий ишимизда ҳали бир қанча камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, Олмалиқ автомобиль тресті қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарига транспорт хизматини ҳамон яхшилаган эмас. Олтинтопган кон бошқармаси коллективи ўз имконияти даражасида ишламаётир. Шу кунларда партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида айрим партия ташкилотлари фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлмоқда. Бизнинг вазифамиз мана шу камчиликларни тезда тугатиб, олтинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам ишлаб чиқариш соҳасида янада катта муваффақиятларни қўлга киритиш учун ҳозирданоқ ҳамма куч ва воситаларни сафарбар этишдан иборатдир.

Шаҳримиз меҳнаткашлари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари Кенгашининг Декларациясини ва Тинчлик Манифестини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Барча ишчилар, бинокорлар, инженер-техник ходимлар бу муҳим тарихий ҳужжатларда олга сурилган фикрларни якдиллик билан маъқуллаб, ўзларини ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ишлаётган ҳолда ўзлари ва оилаларининг ҳаётини ҳам, шаҳримиз ва Ватанимиз ҳаётини ҳам ҳар бир ишлаётган ишчи, инженер-техник ходимнинг

ХАЛҚ СУДЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Медицина ходимларининг номзодлари

1957 йил 15 декабрда Ўзбекистонда халқ судларига сайлов ўтказилади. Шу кунларда колхоз, совхозларда, корхона ва идораларда халқ судига халқ маслаҳатчиларининг номзодлари кўрсатила бошланди.

Тошкент область, Калинин район медицина ходимлари коллективи ўзларининг энг синалган, ишчан кишиларини номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Район 1-участка суди халқ маслаҳатчилигига Абдували Холматов ва Ф. Зиявутдинов ўртоқларнинг номзодлари кўрсатилди. Булар район суди халқ маслаҳатчилигига бир неча марта сайланиб келмоқдалар. Бу ўртоқлар фақат суд процессини эшитибгина қолмай, айбдорлар ва жиноятчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда социалистик қонунчиликка амал қилиб келаётирлар. Улар ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланиб иш юргизмоқдалар. Шу сабабли ҳам район меҳнаткашларининг ҳурматига сазовор бўлганлар.

Район медицина ходимлари ишончни оқлаганликлари учун А. Холматов ва Ф. Зиявутдинов ўртоқларнинг номзодларини яна халқ суди маслаҳатчилигига кўрсатишди. Бу гал ҳам ана шу ҳар икки ўртоқ ўз касбдошларининг ишончларини шараф билан оқлайдилар, албатта.

О. ТУРҒУНОВ.

Агитаторлар ташаббуси

Халқ судлари сайловига тайёргарлик саноат корхоналари билан бир қаторда маҳаллаларда ҳам зўр ғайрат билан олиб борилмоқда. Тошкентдаги Октябрь район 70-агитпунктнинг иши бунга мисол бўла олади. Агитпункт 141-мактаб биносига жойлашган. Унга шу мактаб ўқитувчилари, комсомол ўқувчилар агитатор қилиб тайинланган. Бу агитаторларнинг ёрдами билан агитпункт территориясидаги ҳамма сайловчилар тўла рўйхатга олинди, рўйхат кўринарли жойга илиб қўйилди.

Агитпункт мудирининг ўринбосари ўртоқ О. Даминов сайлов кампанияси даврида қилинадиган тадбирларни амалга ошириш соҳасида иш олиб бормоқда. Маҳалла аҳолисига совет сайловларига доир темаларда лекциялар ўқиб берилмоқда. Ўртоқ Хрушчевнинг Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги тўғрисида юбилей сессиясида қилган доклади, социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москва Кенгаши Декларацияси ва Тинчлик манифести ўқиб берилмоқда ва тушунтирилмоқда.

Ф. УСМОНОВА.

Умумий мажбурий таълим қонуни тўла амалга оширилиши керак

Шаҳардагина эмас, балки қишлоқ жойларда ҳам етти йиллик мажбурий таълимни тугаллаш ва умумий ўрта таълимга ўтиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 1 октябрда Фармон чиқарди. Олий Совет Президиуми ўзининг ана шу муҳим Фармонида Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетларига ҳамда республика халқ маорифи органларига шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқ жойларда ҳам болалар ва ўсмирларни (ўғил ва қиз болаларни) еттинчи синф ҳажмида умумий мажбурий ўқитиш ва КПСС XX съездининг директиваларига мувофиқ, республикада ўрта таълимни кенгайтириш юзасидан зарур тадбирларни кўришни топширди.

Тошкент областида умумий мажбурий таълимнинг аҳволи ва етти йилликни тамомлагунча ўқувчилар контингентини сақлаб қолиш масаласига ҳам ана шу Фармон нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Шубҳасиз, областда халқ маорифини ривожлантириш соҳасида жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Йилдан-йилга етти йиллик ва ўрта мактаблар тармоғининг кенгайиб бораётганлиги, уларда таълим олаётган ўқувчилар контингентининг ўсаётганлиги бунинг далилидир.

Юқорида айтиб ўтилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолиб, умумий етти йиллик мажбурий ўқитиш ва бу муҳим умумхалқ ишида олға қараб силжиш соҳасида халқ маорифи органлари ва мактабларда йўл қўйилаётган катта хато ҳамда камчиликларни кўрмаслик нотўғри бўлур эди.

Ҳаммага маълумки, Тошкент пойтахт области ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бу область ҳамма соҳада, жумладан халқ маорифи соҳасида республиканинг бошқа областларига ўрнак бўлиши керак. Лекин афсуски, халқ маорифи соҳасида бу областда ўрнак бўладиган ижобий фактлар яччалик кўп эмас. Ўтган ўқув йилида ўқувчиларнинг мактабдан кетиб қолиши каби кўнгилсиз аҳвол республиканинг бошқа областларига нисбатан кўпроқ. Тошкент областида содир бўлди. Бу область умумий мажбурий қонун планини бажаришда республика энг кейинги ўринларидан бирини эгаллади. Сабабсиз ўқишни ташлаб кетган ўзбек қизларининг сони ҳам шу областда кўп бўлди. Ўтган ўқув йили давомида область мактабларида 18 мингдан ортиқ ўқувчи ўқишни ташлаб кетди.

Хўш, областда умумий мажбурий таълим Қонунини бажаришда шунчалик ачинарли аҳволнинг рўй беришига сабаб нима? Бунга асосий сабаб шуки, область халқ маорифи бўлими, қолаверса шаҳар ва район халқ маорифи бўлимлари сўнгги йиллар давомида умумий мажбурий таълим иши билан конкрет шуғулланмаётирлар, умумий раҳбарлик билан чекланмоқдалар. Бу масала билан кўпинча халқ маорифи бўлими мудирлари, инспекторлар ва мактаб директорларининг шахсан ўзлари шуғулланмай, иш иккинчи даражали шахсларга — методистлар, статистика ходимлари ва секретарларга топшириб қўйилган. Область, шаҳар ва район халқ маорифи органлари умумий мажбурий таълим планининг синфлар бўйича эмас, балки умуман бажарилиши учун қурашадилар. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келади. Шу нарса маълумки, ҳар йили 1 синфларга ўқувчилар қабул қилиш плани ошириб бажарилади. II-VII синфлардан ўқувчиларнинг кетиб қолишлари эса яна I синфга қабул қилинувчилар ҳисобига, ошириб бажарилган план соясига бекитилади. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан Янгийўл, Бўстонлик, Мирзачўл, Сирдарё районлари ва Чирчиқ шаҳрида ўтказилган текшириш натижалари ана шу хулосанинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

Бўстонлиқ район халқ маорифи бўлимидагилар (мудири ўртоқ Бердалиев) умумий мажбурий таълим плани атиги 27 ўқувчига кам бажарилди деб ҳисоблар эдилар. Область партия комитети ва область халқ маорифи бўлими томонидан умумий таълим масаласи районда яхши эмаслиги кўрсатилганда улар хафа ҳам бўлишди. Аммо синфлар бўйича олиб қаралганда ҳақиқий аҳвол районда 355 ўқувчининг мактабдан кетиб қолганини кўрсатди. Район халқ маорифи бўлими фаолиятининг салбий томонини кўрсатувчи бу факт ўқув йили бошида 1 синфга қабул қилинган 426 ўқувчи ҳисобига хаспўшлаб юборилган. Текшириш натижасида маълум бўлдики, райондаги 19, 21, 23, 25-мактабларнинг директорлари Мирвалиев, Тулегенов, Орифхонов ва Неъматов ўртоқлар юқори ташкилотларни алдаш, кўзбўямачилик қилиш йўлига ўтиб олганлар. Улар мактабга бир умр қадам босмаган болаларнинг фамилияларини расмият учун синф журналларига ёзганлар ва бу йўқ ўқувчилар дарсларга қатнашаётир деб район халқ маорифи бўлимига ҳисоб берганлар. Юқоридаги мактабларда бундай ўқувчиларнинг сони 124 кишини ташкил этган. Бундай қалбакичилик билан шуғулланиш давлат ва халқ манфаатларига зиён етказишдан бошқа нарса эмас.

Текширишда Сирдарё районида ҳам (район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Ҳакимов) юқоридаги каби кўнгилсиз ҳоллар рўй бераётгани маълум бўлди. Район халқ маорифи бўлими раҳбарларининг айтишича, умумий мажбурий таълим плани атиги 97 кишига бажаридмай қолган. Ваҳоланки, районда 278 бола ўқишга қатнашмай юрибди.

Районда бундай камчиликларнинг содир бўлишига сабаб шуки, бу ерда болаларни ҳисобга олиш, айниқса мактабга бошқа жойдан келган ёки мазкур мактабдан бошқа ерга кетган ўқувчиларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ёмон йўлга қўйилган. Масалан, текшириш ўтказилган кунда 3-мактабнинг директори ўртоқ Худойбердиев ҳам, илмий бўлим мудири ҳам, ўқитувчилар ҳам II синфнинг ўқувчиларидан 12 кишининг қаердалигини айтиб бера олмадилар. Бу ўқувчиларнинг синф журналида номлари бор-у, аммо ўзлари дарсга қатнашмайдилар.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Ҳакимов ва инспекторлар умумий мажбурий таълим масаласи билан жуда юзаки шуғулланадилар, бу масаланинг аҳволини жойларга бориб, ҳар бир мактаб, ҳар бир синф мисолида ўрганиб, конкрет тадбирлар кўрмайдилар, уларга амалий ёрдам бермайдилар.

Мирзачўл районида фақат умумий мажбурий таълим эмас, балки умуман халқ маорифи иши жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган. 1957 йил давомида бу ерда район халқ маорифи мудири уч марта ўзгартирилди.

Янгидан тайинланган мудир халқ маорифи ишини яхши билмайди. У ўз кабинетида майда-чўйда ишлар билан ўралашиб қолиб, район мактабларига конкрет амалий ёрдам бермаётир, халқ маорифига юзаки, қониқарсиз раҳбарлик қилмоқда. Бунинг натижасида II-X синф ўқувчиларидан 465 бола мактабни ташлаб кетган. Район партия комитети ва район ижроия комитетининг ҳам халқ маорифи билан чинакамига шуғулланмасликлари юқоридаги камчиликларнинг янада авж олишига сабаб бўлган.

Мирзачўл, Сирдарё, Бўстонлиқ район партия комитетлари умумий мажбурий таълим масаласи билан расмият учунгина шуғулланишади. Ҳатто улар шу масала юзасидан қарор қабул қилганликларини айтишади-ю, лекин район халқ маорифининг берган сводкаси асосида тузилиб, қоғозда қолиб кетадиган, ҳаёт билан боғланмаган, ҳақиқий аҳволни акс эттирмайдиган бундай қарорлар таълим-тарбия ишини амалда яхшилай олмаслигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Кейинги вақтда Янгийўл район партия комитетининг халқ маорифига яхши раҳбарлик қилаётганини айтиб ўтиш ўринли бўлур эди. Партия комитетининг умумий мажбурий таълим қонунининг районда қандай амалга оширилаётганини текшириш мақсадида райкомпартиянинг махсус бригадасини тузди. Бу бригада текширишни Ниёзбоши қишлоқ Советидан бошлади. Бригада текшириш натижасида район халқ морифи бўлими, мактаб дирекцияси ва педагоглар коллективи қишлоқ Совети ва колхоз правлениеларининг айби билан умумий мажбурий таълим қонуни қониқарсиз амалга оширилаётганини, кўпгина қизлар ўқишдан қолдирилиб, эрга бериб юборилганликларини аниқлаби. Текшириш натижалари райондаги ҳамма қишлоқ Советлари, колхоз вакиллари, бошлангич партия ташкилотларининг секретарлари, мактаб директорлари, ўз қизларини ўқишдан қолдириб, эрга бериб юборган ота-оналар иштирокида райком партия бюросида бирма-бир, кенг муҳокама қилинди. Райком бюросининг қарорига мувофиқ артаси куни Ниёзбоши қишлоқ Советининг сессияси ўтказилди. Сессия халқ маорифига ёмон раҳбарлик қилганликлари, қўпол хатоларга йўл қўйганликлари учун қишлоқ Совети раисининг ўринбосари ва секретарини ўз вазифасидан озод қилди. Бундан ташқари, райком бюроси умумий таълим планининг бажарилиши ва етти йиллик мажбурий ўқитиш масаласини муҳокама қилиш учун район партия активи йиғилишини ўтказишга қарор қилди. Янгийўл райкомининг амалга оширган тадбирларидан ўрнак олса арзийди.

Юқорида танқид қилинган районларда ҳам халқ маорифига ана шундай амалий раҳбарлик қилинса, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Тошкент областида етти йиллик мажбурий таълимни тўла амалга ошириб, умумий ўрта таълимга ўтиш учун ҳамма имконият—ўқув-материал база, малакали педагоглар коллективи бор. Область халқ маорифи бўлими ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқ маорифига раҳбарлик қилишни тубдан яхшилаши керак. Ана шунда область умумий мажбурий таълимни амалга оширишдаги қолоқликдан чиқа олади.

И. НАГОРНИЙ,

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг инспектори.

Чорва молларини қишдан семиз ва соғлом олиб чиқайлик!

Илғор чорвадорлар аҳди

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги чақириғига жавобан шу йилнинг ўзидаёқ ҳар юз гектар ер ҳисобига 300 центнердан сут ва 17 центнердан гўшт олиш учун курашмоқдалар. Шу кунга қадар фермадаги мавжуд соғин сигирлардан пландаги 1150 килограмм ўрнига 1400 литрдан сут соғиб олинди. Сут соғувчилардан З. Маҳкамова ва К. Салимовлар ўз боқимларидаги сигирлардан белгиланганидан анча кўп сут соғиб олдилар.

Колхозда чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилиб 1300 тонна силос, 1552 тонна беда, 13 тонна дағал ем-хашак ва бошқа ем-хашак жамғариб қўйилган.

Колхоз чорвадорлари партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларига амал қилиб, чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар. Улар қиш мавсумида мол боқишни ҳартарафлама пухта уюштириб хар-бир сигирдан мумкин қадар кўп сут соғиб олиш учун курашаётирлар. Ҳарбир сигир соғувчи ва молбоқар ўз боқимидаги молларни қишдан семиз ва соғлом чиқиши учун астойдил курашаётир.

Қ. СОБИРОВ.

Беғам раҳбарлар

Қишнинг совуқ кунлари бошланди. Қиш гамини ёзда еб, мўл-кўл ем-хашак жамғарган, кўплаб силос бостирган хўжаликларда чорва қишлови муффақиятли ўтмоқда, соғин сигирлардан бир меёрда сут соғиб олинмоқда. Бироқ Сирдарё районининг 1-МТС зонасидаги колхозларда чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги айни шу кунларда аққол сезилиб қолди.

«Ленинобод», «Коммунизм», «XIX партсъезд», «Ёш ленинчи», Ильич номли, Ворошилов номли колхозларда аҳвол айниқса ачинарли. Бу хўжаликларнинг биронтасида ҳам дағал ем-хашак тайёрлаш юзасидан белгиланган план тўла бажарилмаган. Масалан, «Коммунизм» колхозида 632 қўй-эчки учун атиги 15 тонна ем-хашак жамғарилди. Шунинг учун ҳам бу колхозда қўйларга пичан ва бошқа ем етишмасдан, уларнинг побуд бўлиш хавфи туғилмоқда. Колхоз правлениеларининг чорва қишловини намунали ўтказиш учун шошилинч чораларни кўришлари, мавжуд ем-хашакларни қўй-эчкилар қишлаётган фермаларга тезда етказишлари лозим.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Гўшт, сут янада кўп бўлсин!

Колхозда бўлиб, чорвачилик ишлари билан танишганимизда, дастлаб кўзга ташланган нарса шу бўлдики, бу ерда жайдари сигирлардан ҳам кўплаб сут соғиб олинаётган экан.

— Қимки, жайдари, сигирлардан кўп сут соғиб олиш мумкин эмас, деса бу нотўғри, — дейди ферма мудири Раҳимберди ака Эгамбердиев,— ғаф парваришини ўрнига келтиришда. Ишонасизми, бундан 3-4 йил илгарилари шу жайдари сигирларимиздан жуда оз сут соғиб олар эдик. Сабаби — у вақтлари ем-хашак етишмас, бор ем-хашакларни тақсимлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилар эди. Эндиликда эса чорва молларини мўл-кўл ем-хашак билан таъминлашга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Хозиргача фермамиздаги жайдари сигирларнинг харбиридан 2100 литрдан сут соғиб олдик.

Илғор сут соғувчиларнинг иш тажрибаси, ҳисоб дафтаридаги рақамлар ферма мудирининг сўзлари тўғри эканлигини исботлайди.

Колхозда ҳаммаси бўлиб 160 бош корамол бор, шулардан 58 таси соғин сигирлардир. Бу ерда молларни маълум бир вақтда озиқлантириш ва соғиш қатъий қоида қилиб белгиланган. Колхоз раиси ва ферма мудиридан тортиб зоотехник, сут соғувчи ва молбоқарлар бу қоидага тўла амал қиладилар. Соғин сигирлар алоҳида парвариш қилинади, яъни сигирга унинг вазни ва маҳсулига қараб овқат бериб борилади.

— Биз, — дейди зоотехник Люба Иброҳимова, — шу кунларда ҳар бош соғин сигирни ўртача 2,5 килограмм кунжара, 25 килограмм силос, 5 килограмм беда, 20 килограмм хашаки лавлаги, 20 килограмм барда билан боқаётирмиз. Айрим сигирларга эса сутини кўпайтиришга қараб ем-хашагини ҳам оширмоқдамиз. Бу тадбир яхши натижалар бераётир. Масалан «Драма» сигиридан илгарилари 18-20 литр сут соғиб олар эдик. Биз унга нормалагидан кўпроқ силос беришни тажриба қилиб кўрдик, ҳозир ундан кунига 26-28 литргача етказиб сут олмоқдамиз.

Колхоз фермасида ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати билан чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотни кўпайтириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган тажрибали сут соғувчилардан Ниса Каламова, Ҳолбуви Расулева, ёш сут соғувчи Раъно Силиқова сингари чорвадорларнинг жайдари сигирлардан кўплаб сут соғиб олиш соҳасида эришаётган ютуқлари ҳарбир кишини қувонтиради. Улар ўз боқимларидаги ҳар бош сигирдан камида 3000 литрдан сут соғиб олиш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

— Соғин сигирга вақтидан ўтказиб ёки белгиланганидан кам озиқ бериб қўйгудек бўлсангиз, ёки парваришини ўрнига келтиролмасангиз, у сутини камайтириб юборади. Жониворнинг сиздан «хафалиги»ни, яхши қарай олмаётганлигингизни шундан ҳам билаверинг. Сигирнинг сути тилида деб айтишларининг маъноси шу-да, — дейди Ҳолбуви опа.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти илғор сут соғувчиларни рағбатлантириш, белгиланганидан кўп сут соғиб олган ёки сигирларнинг қисир қолишига йўл қўймаган чорвадорларга қўшимча меҳнат кунлари ёзиш, мукофотлаш соҳасида зарур тадбирларни амалга ошириб турибди. Бу ва шунинг каби тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида колхоз давлатга 114 тонна сут, 16 тонна гўшт топшириб, планни 7 ноябрдаёқ бажаришга муваффақ бўлган эди.

Сигирларни парвариш қилишда илғорлар тажрибаси ва зоотехника қоидаларига қатъий риоя қилган колхоз чорвадорлари шу кунларда ҳам соғин сигирлардан кўплаб сут соғиб олмоқдалар.

Лекин бу ерда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда барча ички имкониятлардан тўла фойдаланилаётир, деб бўлмайди. Колхоз чорвадорлари партия ва ҳукуматимиз томонидан аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш соҳасида яқин йилларда АҚШга етиб олиш юзасидан қўйилган вазифани муваффақиятли ҳал қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳали талайгина ишлар қилишлари керак. Кекса колхозчилар қорамолчилик, қўйчиликни ривожлантиришнинг ўзи билан гўшт етиштиришни кўпайтириш мумкин эмас ахир, шунинг учун паррандачиликка кенг йўл очайлик, колхозимиз территориясида ховузлар, сувлар тўпланиб ётадиган ерлар кўпку, бу ерларда ўрдак ёки ғоз боқсак, жуда соз бўладику, ўз-ўзидан кўпаяди, колхоз бойлигига бойлик қўшилади, нима учун қуёнчилик фермаларини ташкил этмаймиз, демоқдалар. Улар ҳақ гапни айтишаяпти. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти паррандачилик, қуёнчиликни ривожлантириш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтиришга эришиши мумкин. Шунингдек, чўчқачиликни ҳам ўтган йиллардаги сингари яхши йўлга қўйиш лозим.

Фермадаги сигирларнинг зотини янада яхшилаш соҳасида ҳам бирмунча ишларни амалга ошириш, масалан, энг яхши зотли бузоқлар ҳисобига сигирчилик фермасини тўлдириш керак. Тўғри, колхозда бу соҳада баъзи бир ишлар қилинаяпти, лекин бу ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Фермада кундалик бераётган сути 3-4 литрдан ошмаётган сигирлар борки, эндиликда бундай соғин сигирларни сақлаб туришнинг ҳеч бир фойдаси йўқ.

Колхозда бу йил ем-хашак тайёрлаш, силос бостириш юзасидан белгиланган план тўла бажарилмабди. Жумладан, пландаги 700 тонна ўрнига атиги 500 тонна силос бостирилибди. Бу, ҳар бош сигирга 5-6 тоннадан тўғри келади, холос.

Колхоз раҳбарлари қиш тугаб молларнинг оғзи то кўкка теккунига қадар етарли миқдорда силос запасига эга бўлинганида, улардан соғиб олинадиган сут маҳсулоти ҳеч вақт камаймаслиги тўғрисида ўйлаб кўришлари керак эди.

Тошкент районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари сут, гўшт етиштириш соҳасида кейинги йилларда каттагина ютуқларни қўлга киритганлар. Лекин эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмаслик ва чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш билан бирга унинг таннархини камайтириш йўлида ҳам актив иш олиб бориш, бунинг учун барча имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш керак.

Н. РИХСИЕВ.

Югослав халқининг байрами

29 ноябрда Югославия халқлари ўз миллий байрамини—Республика Кунини нишонладилар. Бундан ўникки йил муқаддам шу куни Белградда тўпланган Югославия Таъсис скупшчинаси Югославия Федератив Халқ Республикасини эълон қилиш тўғрисида Декларация қабул килди. Шундай қилиб мамлакатда монархия ўзил-кесил тугатилди ҳамда Югославия иттифоқчи халқ давлати бўлиб қолди. Югославия меҳнаткашларининг бу улуғ галабаси Коммунистик партия раҳбарлиги остида гитлерчи босқинчиларга қарши ҳамда ажнабий империалистлар билан ҳамкорлик қилган ички реакцияга қарши қаҳрамонона курашда қўлга киритилди. Югослав халқи гитлерчиларга ва уларнинг шериклиригa қарши олиб борилган курашда бошқа эрксевар халқлар билан биргаликда, умумий душманга қарши курашнинг асосий оғирлигини ўз устига олган совет халқи билан қардошларча иттифоқ бўлиб ҳаракат қилди.

Ҳокимиятнинг халқ қўлига ўтганлиги Югославия меҳнаткашлари учун мамлакатдаги ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартиришнинг кенг перспективасини, социализм қуриш перспективасини очиб берди. Халқ ҳокимияти мамлакатдаги помещик ер эгалигини тугатиб, ерни деҳқонлар қўлига берган ер ислоҳотини амалга оширди, саноат ва транспортдаги ишлаб чиқариш воситаларини ижтимоий мулкка айлантирди, меҳнаткашларга илм-маърифат ва маданий турмуш йўлини очиб берди. Шундай қилиб мамлакатнинг асрий техника-иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатиш учун, социализмнинг моддий-техника базасини муваффақият билан барпо қилиш учун энг муҳим шароитлар вужудга келтирилди.

Эндиликда Югославия халқлари ўзлари ўн икки йил мобайнида босиб ўтган йўлга назар ташлаб, Коммунистлар союзи ҳамда ЮФХР ҳукумати раҳбарлиги остида қўлга киритилган ютуқлардан зўр қониқиш билан фахрланадилар. Ўтмишда ажнабий капиталистлар иқтисодий ҳаётида асосий ролни ўйнаган қолоқ деҳқончилик мамлакати эндиликда индустриал-деҳқончилик мамлакатига айланмоқда, индустриаллаштириш йўлида пайдо бўлаётган кўпгина қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтмоқда.

1957 йилнинг бошида ЮФХРдаги саноат ишлаб чиқариши даражаси урушдан аввалги 1939 йилдагига нисбатан 2,66 марта юқори бўлди. 1957 йилнинг ўтган ойларида жамоат планининг муваффақият билан бажарилганлиги йил охирига бориб саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни яна 10-12 процент кўпайишни таъминлайди. Югославия Коммунистлар союзи социалистик индустриаллаш сиёсатини амалга ошира бориб оғир саноатни, шу жумладан энергетика ва машинасозликни устун даражада ривожлантириш йўлини тутмоқда. Мамлакатда ўнлаб электростанциялар қурилди. Бу, 1939 йилда ишлаб чиқарилган 1,2 миллиард киловатт-соат электр қуввати ўрнига 1956 йилда 5 миллиард киловатт соатдан кўпроқ электр қуввати ҳосил қилиш имкониятини берди. Шу давр мобайнида пўлат эритиш 235 минг тоннадан 887 минг тоннагача кўпайди, прокат ишлаб чиқариш — 151 минг тоннадан 553 минг тоннагача, кўмир қазиб чиқариш — 7 миллион тоннадан 17,1 миллион тоннагача кўпайди.

Югославияда халқ ҳокимияти даврида саноатнинг машинасозлик сингари мураккаб тармоғи тамомила янгидан барпо қилинди. Мамлакатда станоклар, моторлар, турбиналар, генераторлар ва бошқа ускуналар ишлаб чиқараётган 260 янги ёки реконструкция қилинган корхонанинг мавжудлиги халқ хўжалигининг мураккаб вазифаларини ҳал қилиш имкониятини бермоқда. Югославия машинасозлик маҳсулоти жаҳон бозорида ҳам шуҳрат топмоқда: бу маҳсулот ҳозир асосан Осиё ва Африкадаги ўнлаб мамлакатларга юборилмоқда.

Мамлакатни индустриаллаш Югославиянинг бутун экономикасига тобора кўпроқ таъсир қилмоқда, мамлакат аҳолисининг ижтимоий составини кўп даражада ўзгартирмоқда. Саноатнинг миллий даромадлари ҳиссаси урушдан олдин 38 процентни ташкил этган бўлса ҳозирги вақтда 40 процентга кўпайди. Ишчилар синфининг сафи икки мартадан кўпроқ ўсди.

Мамлакатни социалистик индустриаллаш сиёсати натижасида саноат ишлаб чиқаришининг ўсганлиги қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ўзгартириш ҳамда унинг қолоқлигини тугатиш учун имконият яратиб бермоқда.

Ҳозирги вақтда майда деҳқон хўжаликлари Югославия қишлоғида асосий мавқени эгаллайди: якка хўжалик сектори ернинг 90 процентидан кўпроғини ўз қўлида тутиб турибди. Айни вақтда Югославия деҳқонлари ўртасида таъминот-сотув типидаги кооперативлар кенг тарқалмоқда. Бу кооперативларга ЮФХРда қишлоқни социалистик асосда реконструкция қилишнинг асоси деб қарамоқдалар.

Шу йил апрелда бўлиб ўтган ЮФХР иттифоқ халқ скупшчинасининг сессияси қишлоқ хўжалигининг аҳволи ҳамда уни ривожлантириш перспективалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Скупшчина қабул қилган қарорлар Югославия меҳнаткашларининг эътиборини қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришга ҳамда уни техника жиҳатидан реконструкция қилишга қаратмоқда. Скупшчина қишлоқ хўжалигига ижтимоий капитал сарфлашни анча кўпайтиришни, мамлакатдаги трактор паркини 1961 йилгача 13.800 трактордан 40.000 тракторга етказишни ҳамда қишлоққа сунъий ғўғит юборишни тахминан 4 марта кўпайтиришни белгилаб берди. Бундан ташқари бир қанча гидромелиоратив тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Бундай тадбирлар, жумладан, Югославиянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берадиган катта райони — Воеводинада амалга оширилади. Бу ерда 1957 йилнинг ўзидаёқ Дунай—Тисса—Дунай канали қуришга киришилди. Бу канал ёрдами билан 1 миллион 122 минг гектар ерни сув тошқинидан сақлаш ҳамда 360 минг гектар серҳосил ерни сугориш кўзда тутилади.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари қардош югослав халқининг янги ҳаёт барпо қилиш йўлидаги муваффақиятларидан астойдил қувонмоқдалар. Югослав халқи билан социализм учун курашдаги умумий бир мақсад ҳамда қадимий дўстлик иплари билан боғланган совет кишилари Югославия меҳнаткашларига ҳар тарафлама мадад беришга ҳамда бегараз ёрдам кўрсатишга доим тайёр турибдилар. ЮФХР меҳнаткашлари совет кишиларининг дўстона туйғуларини жуда яхши биладилар.

1955 ва 1956 йилларда имзоланган Белград ва Москва Декларациялари совет ва югослав халқларининг совет-югослав дўстлигини мустаҳкамлашга бўлган интилишини ифодалаб берди. КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати билан ЮКС Марказий Комитети ва ЮФХР ҳукумати ўртасида 1957 йил 1-2 августда Руминияда бўлиб ўтган учрашув тўғрисидаги ахборот ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу ахборотда кўрсатиб ўтилганидек, СССР билан ЮФХР ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам тенглик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, суверенитетни, мустақилликни ҳурматлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик асосида ривожланиб боради. Делегацияларнинг Белград ва Москва Декларацияларининг икки мамлакат ўртасидаги дўстликни ҳамда Коммунистлар союзи билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги ҳамкорликнинг марксизм-ленинизм принциплари асосида ривожланиши учун актуал аҳамияти борлигини яна бир марта таъкидладилар. Иккала делегация бу декларацияларда баён қилинган фикрларни бунёд этиш ҳам амалга оширишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Совет кишилари социалистик Югославиянинг шонли байрамини нишонлаш билан бирга биргаликда қабул қилинган барча ҳужжатларда баён қилинган совет-югослав дўстлигини ривожлантириш программаси муваффақият билан амалга оширилаётганлигини мамнуният билан қайд қиладилар. Ўзаро маданий алоқалар ҳам ўсмоқда ва кенгаймоқда. Совет-югослав иқтисодий алоқалари ривожланмоқда ва тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товароборот ҳажми анча ўсди; шу йил баҳорда тузилган совет-югослав савдо шартномаси 1958-1960 йилларда товароборот ҳажмини янада кўпайтириш йўлида тутади.

1955 йил сентябрда СССР билан Югославия ўртасида молиявий муносабатлар, техника ҳамкорлиги, совет ускуналари етказиб бериш ҳамда ядро қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги жуда кўп масалалар ўзаро келишиб олинган эди. Совет Иттифоқи Югославияга 54 миллион доллар ҳажмида кредит берди. ЮФХРда бир қанча саноат объектларни қуриш тўғрисида илгари имзоланган шартномалар асосида шу йил июлда Москвада СССР, ГДР ва ЮФХР ўртасида учёклама музокаралар муваффақият билан якунланди. Бу музокаралар натижасида қуриладиган объектларнинг муддати аниқланди. Имзоланган ҳужжатлар Югославия территориясида алюминий заводлари ҳамда улар учун электростанциялар қуришда, боксит қазиб чиқаришни кенгайтиришда ва бошқа соҳаларда уччала мамлакатнинг ҳамкорлик қилишини кўзда тутади. Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси Югославияга зарур кредит берадилар.

Югославия матбуотининг таъкидлаб кўрсатишича, ЮФХР ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш программасининг бажарилишини таъминлашда СССР иштироки билан лойиҳаланадиган, қуриладиган ва ускуналанадиган азот-тук ва суперфосфат заводлари, шунингдек бу корхоналарга хизмат қиладиган теплоэлектроцентраль тўғрисидаги совет-югослав шартномаси катта роль ўйнайди. Бу шартноманинг амалга оширилиши югослав қишлоғи учун сунъий ўғит етказиб беришни анча осонлаштиради.

Югославиянинг Чехословакия, Польша, Венгрия, халқ Хитойи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан бўлган иқтисодий ҳамкорлиги ҳам ўзаро қулай шартлар асосида ривожланиб бормоқда. Польша, Венгрия ва Чехословакия молларини Югославия порти — Риека орқали ташиш ўсиб бормоқда. 1956 йил январда Риека — Шанхай халқаро йўли очилди. Бу йўлда Югославия кемалари хизмат кўрсатмоқда. Югославиядаги айрим саноат объектларини қуришга ва ускуналашга сарфланаётган Польша ва Чехословакия кредитлари ЮФХР халқ хўжалигини янада ривожлантириш планларининг амалга оширилишида ёрдам бермоқда.

Югославиянинг қўшни мамлакатлар билан биргаликда энергетика ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги катта истиқболга эгадир. Бу йўлда амалий тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Масалан, Югославия, Руминия ва бошқа манфаатдор мамлакатларнинг иштироки билан Дунай дарёсидаги Темир Дарвозада қудратли гидроэлектростанция қуриш масаласи муҳокама қилинмоқда. 1957 йил августда Югославия билан Венгриянинг энергетика системаларини бирлаштириш тўғрисида югослав-венгер шартномаси имзоланди. Шу мақсадда 70 километр узунликдаги юқори вольтли линия қурилишини 1958 йил баҳоридаёқ тугаллаш кўзда тутилади.

Югославия меҳнаткашлари ўз мамлакатини социализм принциплари асосида қайта қуриш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар ана шу олижаноб мақсадга эришмоқ учун тинчликдан жуда манфаатдордирлар. Югославия халқлари тинчлик учун курашда барча прогрессив тинчликсевар кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар. Улар жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар сингари қуролсизланиш ҳамда атом ва водород қуролини таъқиқлаш проблемасининг ҳал қилинишини, барча мамлакатлар ўртасида, уларнинг давлат ва ижтимоий тузумидан қатъий назар, дўстона муносабатларнинг ҳар тарафлама ривожланишини астойдил истайдилар. Югославия халқи тинчлик учун актив курашиб, агрессив блокларга қарши, Ғарбий Германиянинг ремилитаризация қилинишига қарши қатъият билан курашмоқда, немис халқининг демократик тинчликсевар кучларини қўллаб-қувватламоқда. Социалистик Югославия жа

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ СЕССИЯСИ

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 40 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган юбилей сессияси 28 ноябрда тугади. Сессия қишлоқ хўжалик фанининг совет ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятларини якунлади ҳамда мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тез вақт ичида мўлкўл қилишга ёрдам бериш учун илмий текшириш ишларини янада ривожлантириш йўлларини белгилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб борувчи йирик совет олимлари сессияда қирқдан ортиқ доклад қилдилар. Шунингдек, Англия, Хитой, Польша, Руминия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг олимлари ҳам докладлар қилдилар. (ТАСС).

СССР ВА ЧЕХОСЛОВАКИЯ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДУСТЛИГИ АБАДИЙ ВА БУЗИЛМАСДИР

Союзлар уйининг Колонна залида

28 ноябрь кечқурун Союзлар уйининг Колонна залига Москва олимлари, маданият арбоблари, студентлари, ишчиларнинг вакиллари ва жамоатчилик вакиллари тўпландилар. Бу ерда Чехословак-совет дўстлиги ойлигига бағишланган кўп кишилик йиғилиш бўлди.

Залдаги меҳмонлар орасида Чехословакия Республикасининг СССР-даги элчиси Яромир Вошаглик, Чехословакия элчихонасининг ходимлари, шунингдек Чехословакия маданият арбоблари делегациясининг аъзолари бор эди.

Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг раиси Н. В. Попова кириш нутқи сўзлади. Н. В. Попова элчи Яромир Вошаглики ва чехословакиялик меҳмонларни кеча қатнашчилари номидан самимий табриклаб, ВЦСПС, Чет эллар билан маданий алоқа қилиш Давлат комитети ҳамда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти топшириғи билан Москва шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг йиғилишини очиқ деб эълон қилди.

ВЦСПС раиси В. В. Гришин «Совет ва чехословак халқлари ўртасидаги дўстлик» тўғрисида доклад қилди.

Чехословакия Республикасининг СССР даги Элчиси Яромир Вошаглик нутқ сўзлади. Йиғилиш қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар.

Йиғилиш қатнашчилари В. В. Гришиннинг ва Я. Вошагликнинг сўзларини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Йиғилиш охирида концерт қўйилди. (ТАСС).

СССР ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА АКАДЕМИЯСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

28 ноябрда Москвада СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган учинчи сессияси очилди.

Сессия қурилишнинг ва қурилиш-архитектура фанининг Совет ҳокимияти ўрнатилгандан бери ўтган 40 йил ичида эришган муваффақиятларини якунлайди ҳамда 1958 йилда олиб бориладиган энг муҳим илмий-текшириш ишлари планини муҳокама қилади.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ЭКОНОМИСТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ КЕНГАШИ

Социалистик мамлакатларнинг экономистлари томонидан «Жаҳон социалистик системасининг барпо бўлиши ва ривожланиши» деган темада коллектив бўлиб ёзилган ва босишга тайёрланган асар асосида жаҳон социалистик хўжалик системасини ривожлантириш проблемаларини муҳокама қилишга бағишланиб 26-28 ноябрда СССР Фанлар академиясининг Экономика институтида илмий кенгаш ўтказилди. Кенгашда социалистик мамлакатлардаги фанлар академиялари экономика институтларининг вакиллари қатнашди.

Академик К. В. Островитяновнинг: «Империализм ва социализмнинг ҳозирги вақтдаги иқтисодий проблемалари» деган доклади ҳамда иқтисодий фанлар доктори профессор Л. М. Гатовскийнинг «Турли мамлакатларда социализм қурилишининг умумий қонуниятлари ва хусусиятлари» деган доклади тингланди.

Докладлар юзасидан бўлган музокараларда ва коллектив асарни муҳокама қилишда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. П. Дьяченко, профессорлар Юй Гуан-юань (Хитой), Бронислав Минц (Польша), Юн Хен Дюй (Корея Халқ--Демократик Республикаси), Кайгл (Чехословакия), Черноколев (Болгария), Х. Мара (Албания), Жагварал (Мўғулистон Халқ Республикаси), Фриш (Венгрия), Буй Конг Чун (Вьетнам демократик Республикаси), Добрев (Болгария), Кольмей (Германия Демократик Республикаси) қатнашдилар.

Кенгаш «Жаҳон социалистик хўжалик системасининг барпо бўлиши ва ривожланиши» деган ном остида тайёрланган коллектив асарни маъқуллаб, уни нашр этишга тавсия қилди. (ТАСС).

Чет Элларда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XII сессияси

СИЕСИЙ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 28 ноябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитети кеча Жазоир масаласини муҳокама қилишга киришди. Осиё ва Африкадаги 22 мамлакат делегациялари томонидан қўйилган бу масала Франция ва бошқа мустамлакачи давлатларнинг қаршилик кўрсатишига қарамай, Ассамблея кун тартибига киритилган эди.

Франция ҳукумати Жазоир халқининг миллий-озодлик ҳаракатини ўзининг ярим миллионлик армиясига таяниб бўғиб ташлашга уринаётганлиги гарчи бутун дунёга маълум бўлса ҳам, дискуссияда сўзга чиққан Франция ташқи ишлар министри Пино гўё Франция музокаралар олиб бориш йўли билан Жазоирдаги урушга хотима бермоқ учун ҳамма чораларни кўраётир, деб исботлашга уринди. Бироқ, у шу ондаёқ Франция қўзғолончиларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб бориши мумкин эмас, шунингдек Жазоирнинг мустақиллигини ёки суверенитетини таниш асосида музокаралар олиб бориши мақбул эмас деб ҳисоблайди, деди. Бошқача сўз билан айтганда, Франция ҳукумати миллий-озодлик кучларининг таслим бўлиши тўғрисидагина «музокаралар» олиб бормоқчи бўлади, чунки Франция ҳукумати бу миллий озодлик кучларини қурол кучи билан енгишга эриша олмаётир.

Франция ташқи ишлар министри Жазоирнинг миллий мустақиллиги учун курашаётганларни зўр бериб қоралашга уринди. У, Жазоирда Францияга қарши курашаётганлар бир-бирига душман бўлган, халқ қўллаб-қувватламаётган майда группалардан иборат деб даъво қилди. Бироқ, бу тўқматнинг пучлигини шу факт ҳам исбот қилиб турибдики, Америка қуроллари билан яхши таъминланган ярим миллион кишилик француз армияси миллий-озодлик қўшинларини бир неча йилдан бери енга олмай, ожиз бўлмоқда.

Пино Жазоир коммунистларининг миллий озодлик ҳаракатида қатнашуви «жуда катта хавф» туғдиради, деб ҳам делегатларни чўчитишга уринди.

У, Тунис, Марокаш, Сурия ва айниқса Миснни қўзғолончиларни махфий равишда қурол билан таъминлаётир ҳамда уларга молиявий ва маънавий ёрдам кўрсатаётир, деб айблади.

Пино мажлисининг бошидан-охиригача давом қилган ўз нутқининг анча қисмини, агар Жазоир халқи мустақиллик олиш тўғрисидаги талабидан воз кечса, Франция ҳукумати Жазоирда ислоҳотлар ўтказишга тайёр деган гапларни айтиб, шу ислоҳотларни мақташга бағишлади.

Мажлис охирида Миср ва Сурия делегатлари сўзга чиқиб, Пинонинг гапларига қисқача жавоб бериб ўтдилар. Миср вакили Лутфий Франция делегати нутқига кейинроқ батафсил жавоб қайтаришини айтиб, Миср ва бошқа араб давлатларига қарши қўйилган айблар ҳеч бир далилга эга бўлмаган ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган гаплар эканлигини кўрсатиб ўтди.

Сурия вакили Зайниддин ҳам, Сурия ва бошқа араб мамлакатлари қурол етказиб бераётир, деб бу мамлакатларни айблаш ҳақиқатга тўғри келмайдиган гаплар эканлигини айтиб ўтди. Жазоир ватанпарварлари, деди у, жанг майдонида душманнинг қўлидан тортиб олинган қуроллар билан ўзларини таъминлаётган, Сурия ватанпарварлари ҳам Суриядаги французлар ҳукмронлигига қарши миллий қўзғолон кўтарганларида худди шундай қилган эдилар.

Сиёсий комитетнинг мажлиси бўлиб турган вақтда жазоирлик гражданлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида намойиш ўтказдилар. Улар Жазоир халқининг қиришлигига ҳотима беришни ва Жазоирга мустақиллик берилишини талаб қилдилар.

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕРЛИН, 28 ноябрь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказилган кенгаши натижаларига бағишланган 34-пенуми бўлиб ўтди. «Нейес Дейчланд» газетаси 27 ноябрда бўлган шу пленумнинг қарорини эълон қилди.

Қарорда уқтириб айтилишича, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети СССР Олий Советининг жаҳондаги ҳамма халқларга қарата чиқарган мурожаатини табриклайди ва Н. С. Хрушчевнинг социализм ва коммунизм қурилиши учун 40 йиллик қурашнинг улуғ якунлари баён қилинган докладини марксизм-ленинизм ҳазинасига қўшилган катта ҳисса деб ҳисоблайди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москва кенгашини табриклаб, бундай дейди:

Барча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлиги, уларнинг тинчлик ва социализм учун биргаликда кураш олиб боришга қаратилган иродаси жаҳондаги кучларнинг нисбатини тинчлик ва социализм фойдасига янада ўзгартиришга ёрдам берувчи улуғ кучнинг ифодасидир.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети социализм мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партиядар вакилари кенгашининг Декларациясини марксизм-ленинизмнинг ижодий руҳи билан суғориларан ва социализм учун, инсониятнинг бахти учун кураш йўлини кўрсатиб берувчи тарихий аҳамиятга эга ҳужжат деб ҳисоблайди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети партиянинг ҳамма аъзоларини ва партиянинг раҳбар органларини барча корхоналарда ва муассасаларда, машина-трактор станцияларида ва қишлоқларда, барча оммавий ташкилотларда Декларацияни, ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини, Тинчлик манифестини ҳамда СССР Олий Советининг мурожаатини муҳокама қилишга чақиради.

Пировардида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Германия Демократик Республикасида ва Ғарбий Германияда социализм учун кураш ва унинг ғалабага эришиш тажрибаларини, шунингдек Совет Иттифоқида коммунизм қуриш тажрибаларини кенг пропаганда қилиш зарурлигини уқтириб ўтади.

Марказий Комитет барча партия ташкилотларини ўз ташаббуслари билан ҳаракат қилиб, хилма-хил методлардан фойдаланиб, социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиядар вакилари кенгашининг тарихий Декларациясини амалий равишда қўллаб-қувватлаётганликларини намойиш қилиб кўрсатишга чақиради.

ДАЛЛЕС СОВУҚ МУНОСАБАТЛАР УРУШИНИ ТАҒИН ҲАМ ХАТАРЛИРОҚ ДАРАЖАДА ДАВОМ ЭТТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА...

НЬЮ-ЙОРК, 28 ноябрь. (ТАСС). «Нейшн» журнали НАТО кенгашининг бўладиган сессиясига Америка томонидан тайёрланган ҳарбий планларни шарҳлаб, НАТО тузилганидан бери ер юзида кўп воқиалар бўлиб ўтди, лекин шундан бери АҚШ сиёсати сира ўзгаргани йўқ ва АҚШ яна ўзининг эски йўлига қайтди, деб ёзади. 1949 йилда, деб ёзади «Нейшн» козирлар бизнинг қўлимизда бўлгани учун Совет Иттифоқи билан музокаралар олиб боришга рози бўлмаган эдик, энди бўлса козирлар Совет Иттифоқи қўлида бўлгани учун музокаралар олиб боришни истамаётирмиз... НАТОнинг дастлабки программаси хатарли ва дағдағали программа эди, аммо бу программани такроран таклиф қилинаётганлиги яна ҳам хатарлироқдир. Ҳозирги вақтда биз Европада ядро қуроли складлари қурмоқчимиз, махсус қисмларни ядро қуролини ишлатишга ўргатмоқчимиз, қуролларни қандай сақлаш шартларини буюрмоқчимиз ва хавфсизликни таъминлаш тадбирлари устидан назорат қилмоқчимиз, айни вақтда пировардида контролни ўз қўлимизда сақлаб қолмоқчимиз. Бундай битимлар тўсатдан уруш чиқиб кетиш имкониятини анча кўпайтиради... Умуман бу нарсалар келгусини хатарли қилиб қўяди.

«Нейшн»нинг ёзишича, асосий хавф шундан иборатки, «АҚШ Совет Иттифоқи билан бамаслаҳат бир фикрга келиш имкониятларини ўрганмасдан, НАТОнинг дастлабки структурасини янги ва тағин ҳам хатарлироқ шаклда тиклашни таклиф қилмоқда». «Энг ёмони шуки, деб таъкидлайди журнал, Даллес Парижга бораётир. Маълумки, Даллес Совет Иттифоқи билан музокаралар олиб бориш тўғрисидаги жуда кўп таклифларни ва бунинг учун бўлган имкониятларни ҳамиша рад қилиб келди... Шу сабабли Даллес таклиф қилаётган нарса совуқ муносабатлар урушини тағин ҳам хатарлироқ даражада давом эттиришнинг ўзгинасидир...»

СОВЕТ АРТИСТЛАРИ ИНДОНЕЗИЯГА КЕЛДИЛАР

ЖАКАРТА, 28 ноябрь. (ТАСС). Индонезиянинг Совет Иттифоқи билан маданий алоқа қилиш жамиятининг таклифига мувофиқ, бир группа совет артистлари, шу жумладан СССР халқ артисти Тамарахоним кеча Жакартага келдилар.

Жамият раиси Бунтаран совет артистларини табриклаб, бу визит Индонезия-Совет дўстлигини мустаҳкамлаш ишида катта аҳамиятга эгадир, деди. Шунингдек у, совет санъатига Индонезияда юксак баҳо берилмоқда, деб таъкидлади.

АҚШ да ҳарбий талваса авж олдирилмоқда

ВАШИНГТОН, 28 ноябрь. (ТАСС). Сенатнинг ҳарбий тайёрлик масалалари билан шуғулланувчи кичик комиссияси АҚШ конгресси жойлашган Капитолий биносида ўз мажлисларини давом эттирмоқда. Мамлакатда ҳарбий талвасани зўр бериб авж олдирмоқ учун бу мажлисдан фойдаланмоқдалар. Шу жиҳатдан қараганда истеъфода бўлган авиация генерали Дулиттлнинг мажлисда сўзлаган нутқи характерлидир. У, Совет Иттифоқи баллистик снарядлар қуришда Қўшма Штатлардан «муайян равишда ўзиб кетди» деб алоҳида ташвишланиб гапирди. Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатларнинг ривожланиши ҳозирги суръатларда давом этадиган бўлса, — деди Дулитта, — Россия ҳамма соҳаларда биздан ўзиб кетади. Истеъфода бўлган генерал шу фактларни рўкач қилиб, АҚШнинг ҳарбий тайёргарлигини кучайтиришга даъват қилди.

Дулиттл сенаторларнинг саволларига жавоб бериб, афсуски, АҚШ «ёғга» ҳаддан ташқари кўп эътибор бермоқда, — деди ва «АҚШнинг ҳарбий бюджетини дарҳол анча кўпайтиришга» даъват қилди.

Кичик комиссиянинг ёпиқ мажлисида Америка разведкаси раҳбари Аллен Даллес сўзга чиқди.

Мудофаа министри Макэлрой 28 ноябрда кичик комиссия мажлисида сўзга чиқиб, ҳукумат бошқариладиган снарядлар яратиш ишларига қўшимча маблағлар ажратишни сўраб январь ойида конгрессга мурожаат қилади, деди. Министр дедики, ҳукумат 1958 йилнинг охирига бориб бу снарядларни Англияга ва кейинроқ бошқа мамлакатлар билан тегишли битим тузиб, шу мамлакатларга юборади.

Макэлрой АҚШ қуролли кучларини энг янги хил қуроллар билан кучайтиришга даъват қилди.

Эйзенхауэрнинг соғлиги тўғрисида ахборот

НЬЮ-ЙОРК, 27 ноябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги президент Эйзенхауэрнинг соғлиги тўғрисида Оқ уйнинг медицина бюллетени текстини эълон қилди. Бюллетенда президент ҳозирча «жуда яхши соғайиб бораётир» дейилади.

Америкада баллистик ракета синови муваффақиятсиз бўлди

НЬЮ-ЙОРК, 27 ноябрь. (ТАСС). АҚШ мудофаа министрлигининг хабар беришича, 26 ноябрда Кейп-Канаверал полигонида (Флорида штати) ўрта масофага учадиган «Юпитер» баллистик ракетасини синаш муваффақиятсиз ўтган.

Хабарда айтилишича, «техник нуқсонлар сабабли» ракета мўлжалланган йўлдан четга чиқиб кетган.

Тунис ҳукуматининг норозилиги

ПАРИЖ, 28 ноябрь. (ТАСС). Матбуот хабарларида айтилишича, Жазоир томонидан келган икки батальон француз аскарлари 27 ноябрда чегарани бузиб, Тунис территориясининг 400 метр ичкарисига кирганликлари муносабати билан Тунис ҳукумати Франция ҳукуматига қатъий норозилик билдирган. Француз ва Тунис қўшинлари ўртасида тўқнашув бўлган.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ҳамма ҳурмат қилади

Туш пайти эди. Ҳаким ота даладан қайтиб, дам олиб ўтирарди. Шу тобда эшик очилиб, елкасига катта қора сумка осиб олган Сонибой ака кириб келди.

— Салом, Ҳаким ота.

— Ваалейкум ассалом. Келинг, келинг, — деди ота Сонибой акани ўтиришга таклиф этиб. — Хўш қандай хушхабарлар бор.

— Армиядаги ўғлингиздан хат бор.

— Абдимўминданми?

Ҳа, — Абдимўминдан.

— Баракалла, ўғлим. Хушхабар келтириб, кўп хурсанд қилдингиз-да. Шу бугун эрталаб ўғлимиздан анчадан бери хат келмай қолди деб, онасига гапирган эдим.

Сонибой ака кўк конвертни очиб, отага хатни ўқиб берди. Почтальон уйдан кетар экан, Ҳаким ота унга раҳматлар айтиб қолди.

Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг почтальони Сонибой Эшонқулов ўз касбини астойдил севади. Ана шу ишчан киши туфайли қишлоқ меҳнаткашлари обуна бўлган газета, журналларини, хатларни, пул ёки посилка қоғозларини ўз вақтида олиб турадилар. Шунинг учун ҳам колхоздаги 350 дан ортиқ обуначи почтальондан хурсанд, уни ҳурмат қилишади.

— Ҳар бир хонадонга хушхабар келтирганимда уй эгаси билан қўшилишиб мен ҳам хурсанд бўламан. Шундай пайтларда ўз касбимдан фахрланиб кетаман, — дейди Сонибой ака.

Р. ОТАХОНОВ.

Журналистлар союзи Тошкент область бўлимининг ташкилот бюроси тузилди

Тошкент областида Журналистлар союзи область бўлимининг ташкилот бюроси тузилди. Ташкилот бюроси составида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори З. И. Есенбоев (ташкилот бюроси раиси), «Ташкентская правда» газетасининг редактори А. Л. Стажило (ташкилот бюроси раисининг ўринбосари), «Социалистический Чирчик» газетасининг редактори Ф. Я. Муравьев, «Янгийўл» газетасининг редактори Г. М. Фаттохов, Пўскент район «Пахта учун кураш» газетасининг редактори Н. Бекназаров, «Ташкентская правда» газета редакциясининг бўлим мудири Т. М. Сироткин, «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг бўлим мудири Ҳ. Н. Нуруллаев (ташкилот бюроси секретари) ўртоқлар бор.

Ташкилот бюроси Журналистлар союзига аъзолар қабул қилишга киришди. Журналистлар союзига вақтли матбуот, совет информацияси органлари, нашриётлар ва радионинг профессионал журналистлари аъзо бўлиб кира оладилар. Союзга қабул қилиш вактида журналистнинг матбуотда ишлаган муддати ва орттирган тажрибаси, мустақил суратда ёзиб эълон қилган мақолалари ва хабарлари асос қилиб олинади.

Союзга аъзо бўлиб киришни истаган журналистлар тегишли ҳужжатларни (қабул қилиш тўғрисидаги ариза, автобиография, матбуот органининг тавсияномаси, сўнгги 3-5 йил мобайнида босилиб чиққан мақолалар тўғрисидаги справка, 3х4 размерли иккита фотосурат) тўплаб Журналистлар союзи область бўлимининг ташкилот бюросига юборишлари керак.

Ташкилот бюросининг адреси: Тошкент шаҳар, Правда Востока кўчаси, 34-уй, 4-қават, 93-хона.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПРОКУРАТУРАСИДА

Область прокуратураси Янгийўл районида ва 3-«Боёвут» совхозида махсус текшириш ўтказди. Текширишда аниқландики, Янгийўл районидаги Жданов номли колхознинг 1-бригада бошлиги А. Шербоевнинг айби билан пахтаси яхши тозаланмаган ғўзапўчоқлар колхозчилар томонидан ташиб кетилган ва ўтин ўрнида ишлатилган. Натижада 3120 килограмм пахта нобуд бўлиб, колхоз жиддий зарар кўрган. А. Шербоев жиноий жавобгарликка тортиш учун судга берилди.

Шу райондаги Сталин номли колхознинг чўпони Жононов 525 бош қўй-эчкини пахта майдонига ёйиб ҳосилни пайхон қилгани ва «Москва» колхозининг подачиси А. Турғунбоев 5-бригада даласига 120 бош қорамолни ёйиб 8 гектар майдондаги колхознинг 400 килограмм пахтасини нобуд қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

3-«Боёвут» совхозининг 4-бўлим ишчиси М. Абдулҳошимов кўсаги тозаланмаган ғўзапояни ўтин ўрнида ишлатган. Бу ғўзапояни тозалаганда 175 килограмм тоза пахта териб олинган. Абдулҳошимов ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.



Мирзачўлни ўзлаштирувчилар учун бу йил 50 минг квадрат метрга яқин уй-жой бинолари қуриб берилди. **Суратда:** Янгиер шаҳар қурувчилари учун қурилган янги коттеджлар.

Р. Шамситдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Республикада ҳар йили қишлоқ хўжалик фильмлари фестивали ўтказиш традицияга айланиб бормоқда. Пахтачилик, чорвачилик ва ғаллакорлик соҳасида илғор агротехникани ва прогрессив тажрибаларни пропаганда қилувчи фильмларни фестивалда намойиш қилиш қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ССР Маданият ва Қишлоқ хўжалик министрликлари Бутуниттифоқ фестивалига қўшилиб, республикада 1957 йил 1 декабрдан 1958 йил 1 февралгача қишлоқ хўжалик темаларига бағишланган кинофильмлар фестивалини ўтказишга қарор қилди. Тошкент область маданият ва қишлоқ хўжалик бошқармалари ҳам фестивали уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Район марказлари, колхоз, совхоз ва МТСлардаги киноустановкалар фестивалга бекамкўст тайёр қилиб қўйилди. Жойларда намойиш қилинадиган ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар рўйхати тузилиб, районларга юборилди.

Областда кинофестиваль ўтказишда 100 га яқин киноустановка қатнашади. Шундан 20 дан ортиғи кўчма киноустановка. Улар колхоз, совхоз ва МТСларга бориб қишлоқ хўжалик фильмларини кўрсатадилар. Фестивалда область киноустановкаларида «Будённий номли колхознинг чорвачилик фермаларида», «Пахтачиликни комплекс механизациялаш», «Украина фермаларида», «Қоракўл», «Маккажўхори фойдали экин» каби 150 га яқин ҳархил фильм намойиш қилинади, кинофильмларни намойиш қилиш олдидан фильмга мос темада тамошабинларга лекция ўқилади. Лекция ўқишга қишлоқ хўжалик мутахассислари жалб қилинади.

Фестивалнинг аҳамияти шундаки, у колхозчи ва механизаторларни хўжаликни илмий асосда бошқариш, илғор пахтакорлар ва чорвадорларнинг муваффақиятлари, агротехниканинг энг янги ютуқлари, янги қишлоқ хўжалик машиналари, саноатимиз ишлабчиқарётган эффектли янги ўғитлар, зараркунанда хашаротларга қарши ишлатиладиган дорилар билан таништиради.

Б. ВАСИЛЬЕВ,

Область маданият бошқармасининг кинолаштириш бўйича бош инженери.

ТОШКЕНТ ВА КАЛИНИН ШАШКАЧИЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Мусобақада Ўзбекистон пойтахти спортчилари ғолиб чиқдилар

КАЛИНИН, 28 ноябрь (ТАСС). Тошкент ва Калинин шаҳарлари шашкачилари ўртасидаги матч кеча кечқурун тамом бўлди. Тошкентлик спорт мастерлари С. Давидов, И. Берштейн, В. Канишчикер, Ш. Ёқубов ва мастерликка кандидат С. Гуляев Калинин шаҳрининг мастерлари Н. Сретенский, Н. Шутилкин, мастерликка кандидатлар Ю. Харченко, Ю. Валкин, биринчи разрядли Е. Лешев ўртоқлар билан учрашдилар.

Иккита юз катакли шашкада, иккита рус шашкасида, ҳаммаси бўлиб тўртта тур ўтказилди. Ўзбекистон пойтахти вакиллари ўйинда ғалаба қозондилар. Мусообақа 11,5: 8,5 ҳисоби билан тошкентликлар фойдасига ҳал бўлди.

ЕР СУНЪИЙ ИУЛДОШЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТУҒРИСИДА

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 29 ноябрь эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 363 марта айланиб чиқди. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши шу вақтгача Ер атрофини 836 марта ва биринчи йўлдошни учирган ракета 846 марта айланиб чиқди. Ҳаво очиқ бўлганда Ернинг иккинчи сунъий йўлдошини қуёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 54 градусидан 63 градусигача ҳамда қуёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 25 градусидан 52 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин бўлади.

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 30 ноябрь соат 7-23 минутда Москванинг шарқи-шимолий қисмида ғарби-шимолдан шарқи-жанубга томон учиб ўтади. (ТАСС).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/XI да **Ойниса**, 1/XII да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Фарҳод ва Ширин**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА 1/XII кеч соат 9 да **«Таниш башаралар»**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программада тамошалар. **Ҳинд филлари аттракциони**. Кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Яккама-якка**, кундуз 4 да **Икки иқрор**, кеч 6 да **Тинч оқар Дон** (1-серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Яккама-якка**, кеч соат 8 да **Икки иқрор**.

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА — «Б» класси зоналарининг ғолиблари ўртасида Совет Иттифоқи биринчилиги учун «А» классига ўтказиш юзасидан финал ўйинлар — 30/XI кундуз соат 3 да **«Спартак» (Станислав) — «Авангард» (Ленинград) командалари ўртасида футбол.** Ўйин ҳар қандай об-ҳавода бўлади.

Красний партизан кўчаси 3-б уйда турувчи **Собиржон Муротович Ориповнинг** Навоий кўчаси, Марҳамат проезд, 21-уйда турувчи Муҳаббат Орипова (Акбарова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

„ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ“ журналига

1958 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГИЗ!

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг органи бўлган сиёсий, адабий-бадиий журнал — Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёти ва уларнинг коммунизм қурилишидаги иштирокларини акс эттиради.

Журналда мақола, очерк, зарисовкалар, шунингдек шеър ва ҳикоялар босилиб туради. Бола тарбияси ҳақида педагогик маслаҳатлар, илмий-оммабоп суҳбатлар, врач маслаҳатлари, уй-рўзғор ишидаги хотин-қизлар учун пазандалар маслаҳати ва фойдали маслаҳатлар ҳам узлуксиз ёритилади, хотин-қизлар ва болалар учун сўнгги модалар бериб борилади.

Журналда хотин-қизларнинг ҳуқуқларига доир мақолалар, суҳбатлар, болалар муассасалари ҳақидаги материаллар босилади.

Журналнинг ҳар бир сонида катталар ва болалар кийимларидан андозадар, кашталар учун нусхалар ва шунга ўхшаш қўлҳунар ишига доир бепул қўшимча варақалар ҳам илова қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 24 сўм, 6 ойга — 12 сўм, 3 ойга — 6 сўм.

Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26324 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132 Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07863. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1891.